311298

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1998 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган • 27 ноябр, № 48 (3484) •

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида

ТАШАББУС ВА ШИЖОАТ

Янги суверен давлатларнинг илк қадамлари ҳамиша мураккаб кечади. Негаки, бирламчи муҳим вазифаларни, истиқбол режаларини, ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий соҳадаги бош тамойилларни белгилаб олиш, ўтиш даврининг мураккаб чорраҳаларида энг тўғри қарорлар қабул қилиш осон кечмайди. Тарихдан маълумки, янгидан тузилган ёки қайта тикланган давлатлар ўз фаолиятларининг дастлабки йилларида ислоҳотлар дастурлари ва йўналишларини бир неча бор ўзгартирадилар, ривожланишнинг турфа хил моделларини синаб кўрадилар.

Собиқ иттифоқнинг парчаланиши натижасида янгидан пайдо бўлган МДҲ давлатларида, хусусан Россия Федерацияси, Украина, Беларус ва бошқа қатор мамлакатлар ҳаётида бу нарсани яққол кўриш мумкин. Биргина Россияда ҳозиргача давлат платформаси, иқтисодий ислоҳотларнинг шаклу шамойили бир неча марталаб ўзгарди. Аммо ҳали-ҳануз бу борада якдил бир тўхтамга келингани йўқ.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини, мамлакат ҳаётининг асосий соҳаларидаги бош вазифаларни аниқ-равшан белгилаб берди. Бу вазифалар, жумладан сиёсий соҳада:

- халқнинг турмуш тажрибасига, республика аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократик принципларни қарор топтиришдан;

Иқтисодий соҳада:

-миллий бойликнинг кўпайишини, республиканинг мустақиллигини, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва изчил ривожланиб борувчи иқтисодиётни барпо этишдан, бозор иқтисодиёти муносабатларини босқичма-босқич шакллантиришдан, мулк эгалари ҳуқуқларини давлат йўли билан ҳимоя қилишдан;

Ижтимоий ва маънавий соҳада:

-маънавият ва ахлоқийликни, миллий қадриятларни, халқнинг маданий-маънавий меросини қайта тиклаш, ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлигини қарор топтиришдан иборат эди. Мустақиллик бошларидаёқ давлатимиз ички сиёсатининг негизи — инсон манфаатлари деб белгилаб қўйилди.

Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, мана саккизинчи йилдирки, мамлакатимизда мана шу мақсад ва вазифаларга изчил амал қилиб келинмоқда. Йиллар ўтиши билан Ўзбекистон белгилаган мустақиллик йўли, биз амал қилаётган тамойиллар, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати асослари давр синовидан ўтиб, ўзининг ҳаётбахш моҳиятини намоён қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов бошқарди. У ўз сўзида ёзувчиларни жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида янада фаол иштирок этишга, истиқлол одимлари, янги замоннинг янги одамлари тўғрисида бадиий баркамол асарлар яратишга даъват этди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, уюшма раисининг ўринбосари Йўлдош Сулаймон, Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобилов, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, шоир Рустам Мусурмон ва бошқалар ўз сўзларида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлаб, ёзувчилар, матбуот ходимлари, барча зиёлиларнинг бугунги бош вазифаси истиқлол манфаатларига сидқидилдан хизмат қилиш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Фаоллар йиғилишида иштирок этган Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев ўз сўзида қуйидагиларга эътиборни қаратди. Ижодкор зиёлилар, хусусан шоир ва адиблар истиқлол заруратини биринчилардан бўлиб англаган, мустақиллик учун курашда фаоллик қилган эдилар. Бугун эса улар фаолиятида негадир сокинлик кўзга ташланади. Етти йил ичида, албатта, бир қатор эътиборга молик бадиий асарлар яратилди, аммо биз босиб ўтган йўл, эришган оламшумул ютуқларимиз, янги шароитнинг янги одамлари тўғрисида янада кўп ва хўб ёзиш мумкин эди-ку. Одатда, бадиий ижодда ҳам, матбуотда ҳам жонланиш асосан Президентнинг Фармонлари ёхуд ҳукуматнинг қарорларидан кейин юз беради. Нега энди, ижодкорлар воқеа-ҳодисалар ривожини аввалдан сезиб, англаб ўз ташаббуслари, шижоатлари билан иш тутмайдилар? Ёзувчининг, шоирнинг қалб кўзи, виждони ҳамиша уйғоқ бўлиши, халқ манфаатлари йўлидаги хизматларга ҳамиша тайёр туриши керак.

Фаоллар йиғилишида уюшма фаолияти билан боғлиқ бошқа бир қатор масалалар ҳам муҳокама этилди. Ёш қаламкашлардан Муҳиддин Омон, Эркин Қамбаров, Дониёр Бегимқулов, Мансур Зоир, Озода Бекмуродовалар Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндилар.

АССАМБЛЕЯНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ

Тошкентдаги Байналмилал маданий марказ саройида Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси ташкил топганининг уч йиллигига бағишланган йиғилиш бўлди. Йиғилишни мазкур Ассамблеянинг биринчи вице-президенти, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов очиб, янги даврда қадим Туркистон халқларининг муштарак маданиятларини равнақ топтириш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлади. Ҳозир Олмаота ва Бишкек шаҳарларида ушбу халқаро ташкилотнинг бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Мустақиллик даврида маънавий тараққиёт масалалари юзасидан Бишкек шаҳрида, Аҳмад Яссавий ва туркий халқлар адабиёти мавзуида Туркистон шаҳрида, мустақиллик даври шеърияти мавзусида эса Тошкентда ижодкорлар, маданият намояндалари иштирокида йирик анжуманлар ўтказилди.

Ўтган даврда Ассамблеянинг беш тилда нашр қилинадиган «Марказий Осиё маданияти» газетаси чоп этила бошлади. Айни пайтда рус тилидаги «Туркистон адабиёти» журналини нашр этиш, Марказий Осиё халқлари маданияти музейи сингари маданий-маърифий муассасалар тармоғини вужудга келтириш режалари муҳокама қилинаётир.

Йиғилишда сўзга чиққан ёзувчилар И. Раҳим, Шукрулло, Р. Бобожон, Й. Сулаймон, Н. Фозилов, И. Ғафуров ҳамда Тошкентдаги миллий маданий марказларнинг фаолари ташкилот амалга ошираётган хайрли ишлар кўламини янада кенгайтириш имкониятлари хусусида фикр юритдилар.

Муҳаммад ЮСУФ, Ўзбекистон халқ шоири

ЮРТИМНИНГ ГУЛЗОРИ–ЖАННАТ...

Дунёда бировга ёмонлик қилмасдан ҳам яшаш мумкин-ку! Биз ўзбеклар мусичадек беозор, чумолидек меҳнаткаш халқмиз. Биз бировга ёмонликни асло раво кўрмаймиз.

Амалдор деганида мен, содда шоир, раисни тушунар эканман. Галифе шим, қизил этик кийган, шоп мўйлов, басавлат одамни тушунар эканман. Ёдимда, ўша тасавуримдаги раиснинг ҳали қораси кўринмаёқ шивир-шивир бошланарди: раис... раис келяпти!

Раис истаган одами билан саломлашарди.

Раис истаган одамини ишга оларди.

Бироқ шу арзанда ҳам элнинг тўй-маъракасида ҳамма қатори қатнашарди.

Мен икки-учта шеър ёзган одамман. Бироқ ўзимнинг туманимнинг ҳокимини танимайман. Отини ҳам билмайман. Лекин орқаворотдан эшитган гапларим туфайли хулосам шу: яхши одам. Чунки у бой-камбағални ажратмайди. Сувчининг тўйида — сувчи, боғбоннинг маъракасида — боғбон. Отасига раҳмат.

Баъзи журналист, олим, шоирларга ҳайрон қоламан. Қишлоғига борса, онасини кўрмасдан туриб ҳокимиятга киради. Ҳокимга етти букилиб салом беради. Нима мақсадда келганини тушунтириб, ўрисча айтганда «доложить» қилиб, кейин киндик қони тўкилган хонадонга боради. Гап орасида нимадан муҳтож бўлса, шуни сўрайди.

Мен шундай ўйлайман: айрим амалдорларнинг шишиб кетишига биз, қаламкашлар ҳам сабабмиз. Уларни бошимизга кўтариб мақтаймиз, тадбиркорлигидан гапирамиз. Ва қанча махтасак, шунча ўзимизнинг обруйимизни тўкамиз.

Шоирнинг ҳоким билан нима алоқаси бор?! Ҳокимсиз ҳам шоир шеърини ёзаверса бўлмайдими?! Республикада қанча ҳоким бор? Нечта Абдулла Орипов бор?

Энди тўйлар ҳақида. Менинг шеърларим кўп. Лекин шеъримни шеъримдан ҳам яхши қилиб айтадиган кўшиқчи укаларим кўп.

Халқ орасида бир гап бор: қўшиқчида пул кўп дейишади. Илойим, пуллари кўп бўлсин уларнинг.

Одамлар наздида енгил туюлган шеърларни қўшиқ қилиш машаққат эканини мен яхши тушунаман. Лекин мен бир нарсани тушунмайман: тўйни, тўйга кетадига харажатни қўшиқчи белгиламайди-ку! Мен, масалан, уйланганимда қўшним ликопча билан қўшиқ айтган. Укам уйланганида «Юлдуз Усмонови олиб келасан», деб ҳарҳаша қилган. Отам деҳқон одам. Йилда бир кўй сўйган. Юлдузни қайда олиб келсин?!

Бизнинг болаларимизнинг келажагини, керак бўлса, кераксиз тўйлар ҳароб қиляпти. Аллақандай бойвучча хотинлар зеррикканидан қиз базми, чарлар, йўқлов, ҳафталик, яна аллам бир балоларни ўйлаб топишяпти. Буларнинг халққа нима алоқаси бор?

Бешик тўйида рангли телевизорга бало борми?! Нима, чақалоқ телевизор кўрадими? Бешик тўйида кўёвга, куёвнинг отасига, онасига сарупога нима бор? Унинг ўрнига, чақалоққа ўйинчоқ олса бўлмайдими?

Яхши ният билан тўй қилмоқчи бўлган киши тўйдан кейин одамларни ёмон кўриб қолади. Чунки кўнгли вайрон, у шипшийдон бўлиб қолади. Учтўрт йилсиз ўзини ўнглаб ололмайди. Отангга раҳмат, ўзбекчилик.

Дунёда учта мушкулот бор. Биринчиси — қиз ўстириб, уни кўнглинг истаган жойига узатиш. Иккинчиси нима? Бевалик. Учинчиси — ўзбекчилик.

Ўзбекистонни ҳеч ким менчалик яхши кўрмайди. Юртимнинг сахроси менга — гулзор. Гулзори — жаннат.

Менинг буюк халқим буюк бўлсин доим. Деҳқони ҳам, чўпони ҳам, боғбони ҳам, султони ҳам халққа суюк бўлсин, илоҳим!

Бор гап шу.

ЯНГИЧА ТАЛҚИНЛАР ШОДАСИ

Театр

Диёримизда нафосат байрами давом этмоқда. Ёшлар театри бошқа театр саҳналарида турфа хил саҳна асарлари санъатсевар халқимиз эътиборига тавсия этилмоқда. Маънавият ва маърифат ўчоғи бўлмиш театр санъати икки ҳафта давомида ўз бағрини барча ихлосмандлар учун кенг очиб берди. Фестивал давомида бизнинг ёшлар ҳақидаги ўй-мулоҳазаларимиз ҳам бирмунча ўзгарди. Сабаби, биз ёшларимизни шовқин-суронли жойлар, яъни дискотека, тунги клубларга боришни кўпроқ хуш кўради, театрга қизиқиши қаёқда, деб ўйлар эдик. Тўғри, бундай ёшларимиз ҳам бор, лекин...

Фестивал давомида театр томошабинларини асосан ёшлар ташкил этди. Улар ҳар бир саҳна асарини зукко кузатиб бориш билан бирга, асар қаҳрамони билан ёнма-ён ҳаяжонли дамларни бошидан кечиргандек бўлдилар. Ёшларнинг бу қизиқишлари уларнинг саҳна асарларига иштиёқлари нечоғли баландлигини намойиш этди.

Фестивал ташкилотчиларининг қувончи чексиз. Ахир, уларнинг катта орзулари амалга ошиб турибди-ку. Амалга ошганда ҳам қандай даражада... Ўйлаймизки, бу тадбир театр санъатимиз саҳифаларидан муқим ўрин олади.

В. ХАРИТОНОВ олган суратлар

Фестивал давомида театр саҳналарида таниқли драматурглар асарлари намойиш этилиб келмоқда. Жумладан, Надежда Птушкинанинг Евгений Фалевич постановкаси асосидаги «Қўзичоқ», А-НАТИВ Исроил ёшлар театрининг, немис драматурги Фридрих Дюрроматтнинг «Стриндбергни ўйнаймиз» Станислав Фалько постановкаси асосидаги «Цилиндр» (Исроил театри) ҳамда бастакор, созанда ва актёр Дана Гурнинг (Исроил) муаллифлик «Нотинч қалб» асари ва бошқа қатор спектакллар томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Фестивалда бир қатор Ўзбекистон театр жамоалари ҳам ўзларининг сара асарлари билан қатнашиб келмоқдалар.

С. Айний асари асосида саҳналаштирилган «Бухорои Шариф» спектакли (А.Ҳидоятов номидаги театр), «Оқ йўл» Қорақалпоқ давлат ёшлар театри ижроларидаги спектакллар шулар жумласидандир.

Фестивал давом этмоқда. Биз ҳамон намойиш этилаётган ва этилажак ажойиб саҳна асарлари сеҳрли ижро усуллари билан танишиш, завқланиш имконига эгамиз. Мана шундай кўнгилга баҳор бахш айлагувчи гўзал тадбирлар, маросимлар ҳаётимизни жозибали, меҳнат фаолиятимизни унумли, эртанги кун умидимизни эса ёркин айлайди.

ҲУСНИДДИН

«ЧАРХПАЛАК» ДАВОМ ЭТАДИ...

ТВ

Яқиндагина Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлар» телеканалида «Чархпалак» деб номланган телесериал намойиш этилди. Турфа ҳаётий тақдирлар, инсоний муносабатлар, ҳаёт деб аталмиш йўлнинг турли сўқмоқларида кечмиш дарду қувончларга биз томошабинларни шерик қилган ушбу видеофилм хусусидаги фикрлар ҳам турлича. Экранларимизда чет эл телесериаллари намойиш этилаётган бир пайтда, ўзимизнинг ҳаётий, эҳтиросу кечинмаларга бой, бадиий савияси юксак асарларимиз яратилаётгани, албатта, қувонарлидир.

Нима сабабдан «Чархпалак» видеофилми мухлисларимизга манзур бўлди?

Аввалambор, «Чархпалак»нинг адабий асоси дилга яқин. Ёзувчи ва драматург Шароф Бошбеков қаламига мансуб сценарий замондошларимизнинг ҳаётий муаммолари, тақдирнинг мураккаб синовлари ҳақида ҳикоя қилади. Сериалдаги барча воситалар — чуқур драматургия, тасвирий ечимнинг мураккаблиги ва айниқса актёрлар маҳорати «Чархпалак»нинг таъсир даражасини оширади. Асосий роллар ижрочилари синчковлик билан танлангани ва мос тушгани ҳам, шаксшубҳасиз, филмнинг ютуғини таъминлаган. Актёрлар Карим Мирҳодиев, Шоҳида Исмоилова, Ёқуб Аҳмедов ва айниқса, лўли қизни талқин этган ёш актриса Илмира Раҳимжонова қаҳрамонлар ҳиссиётларини ўта нозик ва табиий чизгиларида ифода эта олдилар.

Режиссёр Шавкат Жунайдуллаев, тасвирчилар Қўчқор Каримов ва Акмал Умарбековнинг ўткир нигоҳи ила сайқал топган лавҳалар ҳеч бир томошабинни бефарқ қолдирмайди. «Чархпалак»нинг мусиқий ечими устида алоҳида тўхталиш жоиз. Изланувчан бастакор Владимир Барамиков воқеалар моҳиятини чуқур ҳис этган ҳолда куй басталади, асардаги драматик ҳолатлар мусиқа воситасида уйғунлашиб, томошабин қалбига йўл топди.

Ҳозирги пайтда ижодий гуруҳ сериалнинг кейинги қисмлари устидаги ишларни якунлаб, тез кунларда томошабинлар ҳукмига ҳавола этиш ниятидалар. Барчамиз севиб қолган қаҳрамонларнинг келгуси тақдири қандай кечаркин, ҳаёт чархпалаги қай йўсинда айланар экан — бу саволларга жавобни телесериалнинг келгуси қисмларидан билиб оламиз, деб ўйлайман.

Феруза НОДИРОВА, киношунос

Муштарий муаммо кўяди

ОБУНА БЎЛИШГА БЎЛАМИЗУ...

Севимли газетамиз «Узбекистон адабиёти ва санъати»нинг шу йил октябр ойидаги сонларида эълон қилинган «Газета ўқийсизми?» ва бошқа шу мавзудаги мақолаларни ўқиб, таҳририят обуна мавсуми давом этаётган бир пайтда жиддий муаммони кўтариб тўғри иш қилибди, деб ўйладим. Мен ушбу газетага 1957 йилдан бери мунтазам обуна бўлиб келаётган ашаддий мухлисларданман. Орадан ўтган 41 йил ичида газетада қанчаданқанча муҳаррирлар, ижодкорлар ишлаб кетдилар. Шу йиллар давомида қанчадан-қанча ёш ижодкорларга улуғ устозларимиз газета орқали оқ йўл тиладилар, уларни қўлларидан етаклаб адабиёт, маънавият оламига олиб кирдилар. Газета саҳифаларида одамларни ўйлашга, фикр қилишга даъват этувчи қанчаданқанча таҳлилий мақолалар, адабий ўйлар, шахсий мулоҳазалар босилди.

Буларни алоҳида такрорлаётганимнинг боиси шуки, газета, у хоҳ адабиёт газетаси бўлсин, хоҳ бошқа бўлсин, сермазмун чиқишларга бой бўлса, саёзлик, қуруқ баённиликка берилмаса , албатта севиб ўқилади, обрўси ошади, муштарийлари кўпаяди. Негаки, матбуот, менинг назаримда, энг аввало ҳаёт кўзгуси, янгиликлар, янги билимлар таргиботчиси, таҳлиллар чашмаси бўлиши керак. Газета одамларни фикрлашга, ҳаётни янада теран тушунишга, муаммолар ечимини топишга ўргатади, ақлни чарҳлаб, руҳни поклайди.

Аммо айтишим жоизки, кейинги пайтларда негадир матбуот тарқатиш масаласига эътибор сусайди. Газета дўконлари камайиб кетди, қолганларида эса марказий газеталар онда-сондагина кўриниб қолади. Бунинг устига, алоқа ходимлари обуначиларга газета-журналларни ўз вақтида етказиб бермайдилар. Масалан, мен бу йил адабиёт газетасининг ҳозиргача 9 та сонини олганим йўқ. Январ ойида 2 та сон, апрел-май ойларида еттита сони келмади. Қува марказидаги алоқа бўлимига бу ҳақда бир неча марта мурожаат қилдим. Аммо улардан жўяли бир гап эшитмадим. Шу сабаблими, Қувада севимли газетамизнинг обуначилари анча камайиб кетган. Жорий йилда бор йўғи 20 киши обуна бўлган, холос. Тўғри-да, газетани тўла етказиб беришмагандан кейин, бекорга пул сарфлашдан нима муддао? 170 минг аҳолиси бор туман учун бу жуда ҳам оз. Яна денг, қанчадан-қанча ташкилотлар, корхоналар, кутубхоналар, мактаблар бор.

Газеталар киоскаларда жуда қиммат сотилади. Хабарларингиз борми-йўқми, адабиёт газетасининг бир сони бизда 35 сўм туради. Аввалари газета саккиз саҳифадан чиқарди, энди бўлса гоҳ 6 саҳифа, гоҳ 4 саҳифага тушиб қолди. Ундан кейин бунисини ҳам айтишим керак, ҳафталик саҳифаларда эълон қилинаётган ҳамма мақолалар ҳам қизиқарли, ўқишли эмас. Такрорлар бор. Кўпроқ бир гуруҳ таниқли олим ва муаллифларнинг мақолалари босилади. Газета тадбиркорлик билан иш тутиб, ўз муаллифлари доирасини янада кенгайтириши мумкин. Газетада чет эллик олимларнинг чиқишлари ҳам ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Севимли газетага омад ва баракотлар тилаб қоламан.

Иброҳим ТЕШАБОЕВ, Фарғона вилояти, Қува туманидаги Қўшкечик қишлоғи

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ҳурматли Иброҳим Тешабоев!

Мактубингизни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Адабиёт газетасининг 41 йиллик ҳамроҳи эканлигингиз бизни бағоят қувонтирди. Газета шаънига билдирган илиқ сўзларингиз учун ҳам, камчиликларимизни кўрсатганингиз учун ҳам раҳмат. Фикрларингизга қўшиламиз.

Дарҳақиқат, матбуот ҳаёт кўзгуси сифатида муштарийларга ўз вақтида етиб бориши керак. Алоқа ходимлари обуначиларни ҳурмат қилишлари лозим. Аммо, афсуслар бўлсинки, кейинги пайтларда биргина Қувада ё Фарғонада эмас, бошқа жойларда ҳам аҳвол яхши эмаслиги тўғрисида мактублар келиб турибди. Ушбу сатрлар ёзилаётганида қашқадарёлик мухлисимиз Қурбон Эгамбердиевдан ҳам изтиробли бир мактуб келиб қолди. Қурбон ака ўтган йили газеталарнинг полиграфик ижросидан нолиб хат ёзгандилар, энди эса почта ходимларидан ҳасрат қилиб фиғонлари фалакка ўрлаб ётибди. «Адабиёт газетаси ойда 4—5 марта чиқади, аммо биз шундан нари борса иккитасини оламиз, холос, — деб ёзибдилар акахонимиз. — Сабабини бориб почта хизмати мутасаддиларидан сўрасангиз, нуқул «почтальон таътилда эди», «Пахта тергани кетган эди», «Кеча бошқаси ишга келди» деган баҳоналарни эшитасиз. Тоқат тоқ бўлгандан кейин Қашқадарё вилоят почтаси очиқ ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари Равшан Жўраев ва Ўрол Ҳолмўминовларга мурожаат этдим. Эҳ, менинг ҳасратимдан ҳам ўтадиганлари бор экан бу ерда. Айримлар газета-журналларни ойлаб олишмас экан. Хуллас, натижа бўлмади. Айтингчи, бу аҳволда газеталарга обуна бўлиб, бекорга пул совуришдан нима маъно бор?»

Бу саволларга жавоб қайтарадиган пайт келди, деб ўйлаймиз. Почта харажатлари ошгани сари, хизмат кўрсатиш даражаси ёмонлашмоқда. Газетамиз йил давомида узлуксиз чиқиб турибди. Сиз ололмаган ўша 9 та сон учун фақат алоқачилар айбдор. Улардан бу сонларни талаб қилишга ҳақлисиз.

Мактубингизда эслатиб ўтган ўша «Газета ўқийсизми?» сарлавҳали мақолада ва кейинги «Ёзёвонча антиқа усул» номли лўқмада гап асосан Фарғона вилояти туманларида газета тарқатиш, обуначиларга хизмат кўрсатишнинг ёмон аҳволда эканлиги тўғрисида гап кетган эди. Афсуски, ҳозиргача бу тўғрида бирорта мутасадди ташкилотдан садо келмади. Мана, сиз ҳам бу мавзуга қайтиб, фикрингизни аниқ далиллар билан исботлаб турибсиз. Бугун дунёнинг маънавий нигоҳи тушиб турган, халқ хўжалигининг жуда кўп соҳаларида мақтовга арзирли натижаларга эришган, маданиятга муҳаббати азалдан зўр Қувада шундай аҳвол эканлигига ишонгимиз келмайди. Қувалик ижодкорлар, мактабларнинг тарих, адабиёт, одоб фанлари ўқитувчилари наҳотки бизнинг шу йўналишдаги қизиқарли чиқишларимиздан бехабар бўлсалар?

Халқимизда «юз бора эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал» деган нақл бор. Яқинда биз гўзал Қувага бориб, бу масалада газетамиз муштарийлари билан, алоқачилар, бошқа мутасаддилар билан учрашиш, мулоқот қилиш ниятимиз бор. Зора, шу мулоқотдан кейин алоқаларимиз янада жонланиб кетса.

Мактубингизга илова қилган шеърингизни ўқиб чиқдик. Машқ сифатида ёмон эмас. Ўқиш ва изланишда давом этишингизни маслаҳат берамиз.

Ўзбеклар ва дунё

БОБУРНИНГ «МАҲФИЙ ВАСИЯТНОМА»СИ

Буюк инсоннинг бу дунёдан кўз юмиши ҳам икир-чикирлардан, майда-чуйда тамаълардан холи бўлди. Буюк инсон умрининг сўнгги дақиқаларини ҳам буюклик билан якунлайди. Бу борада ҳам Бобур мирзо ўз авлодларига ўрнак бўларли бир иш қилиб кетган.

«Бобурнома»нинг «Вақоеи санаи ситта ва салосина ва тисъа миа» («Тўққиз юз ўттиз олтинчи (1529) йил воқеалари») бобида ўғли Ҳумоюн қаттиқ касал бўлиб қолганида юз берган бир воқеа келтирилади:

«Муҳаммад Ҳумоюнга... ани ер ва суйи ҳуш ёқмади. Иситма тутар экандур...Табиблар ҳар неча дору дармон бердилар, яхши бўлмади. Мир Абулқосимким, улуғ киши эрди, арзга еткурдиким, ушмундоқ дардларга дармон будурким, яхши нимарсалардин тасаддуқ қилмоқ керак. Тоинки тенгри таоло сиҳҳат бергай. Менинг кўнглимга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлайин, худой қабул қилсун... Уч қатла бошидин ўргулуб, дедимким, мен кўтардим ҳарне дардинг бор. Ушал замон мен нохуш бўлуб йиқилдим, ул енгил бўлди. Ул сиҳат бўлуб кўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим. Аъёни давлат ва аркони мамлакатни чарлаб, байъат қўлларини Ҳумоюнни(нг) қўлига бериб, жойнишинлиғига ва валиаҳдлиғига насб қилдим. Ва тахтни анга топшурдум. Ва Хожа Халифа ва Қанбар Алибек ва Турдибек ва Ҳиндубек ва ўзга халойиқ ҳам бу насойиҳда бор эрдилар, бориси қабул қилиб, банд бўлдилар» (*«Бобурнома», Тошкент, 1989, 355-бет*).

«Бобурнома»ни кўчирувчи котибнинг ёзишига қараганда, ***«тўққиз юз ўттиз еттида, жумодил-аввал ойининг олтисида чаҳорбоғдаким, ўшул подшоҳ ўз қўли билан обод қилиб эрди, ҳоли мутағаййир, бўлуб, бу олами бевафони падруд қилди»*** (*«Бобурнома», 356-бет*).

Бобур мирзо вафотига таърих айтувчилар ўша вақтларда кўп бўлган. Мавлоно Шиҳоб келтирган таърих сақланиб қолган: ***«Ҳумоюн буд вориси мулки вай»*** (*«Ҳумоюн унинг мулки меросхўридир»*).

Давоми учинчи бетда

ҚИШЛАРИДА ШИВИРЛАР БАҲОР

Ҳар бир диёрнинг ўз нашъу наъмоси, ўз қиёфаси бор. Лекин бетакрорлик бобида Сурхон диёри ўзгачадир. Биз таъриф ахтариб Ойбек домланинг ажойиб ўхшатишларидан-да зўр қиёс топаолмадик.

Чиндан-да, шу кунларда бу ажиб маъвога ташриф буюрган инсон оппоқ тоғлар қуршаган ризқ-рўз далалари узра кўклам шивирини, баҳор тароватини ҳис этади. Қирларни кўм-кўк бўлиб, қоплаган ғалла майсалари қалбингизда ажиб баҳорий туйғулар уйғотади.

Вилоят марказида «Алпомиш» достони тўйи муносабати билан ўтказилган миллий спорт байрами тантаналаридан сўнг Бойсунтоғ ва Боботоғ этакларига қадар ястаниб ётган ризқ-рўз далалари сари юз бурдик. Жарқўрғон тумани ҳокими Ёқубжон Маҳмудов ҳозиргина тўй ва маросимларни тартибга солиш тўғрисидаги Президент Фармони муносабати билан туман марказида ўтказилган катта кенгашдан чиқиб келаётган экан, одамларнинг тўй ва маъракалар ҳақида билдираётган фикрлари ўз-ўзидан суҳбатимизга кўр бўлди.

— Бизни асло Самарқанд, Навоий ва Тошкентдаги каби дабдабабозлик авж олган туманларга менгзаманг, — деди у. — Бизнинг эл-улусимиз меъёрни билади. Ҳаддидан ошиб кетганлар ҳам йўқ ҳисоби. Бироқ бу асло хотиржамликка боришга ҳуқуқ бермайди. Шунинг учун ҳам кенгаш иштирокчилари тўйларни янада чиройли ўтказиш юзасидан муҳим таклифларни илгари сурдилар. 31-мактаб директори Ойнаҳол Хўжамбердиеванинг қизи аъло ўқигани учун Президент грантини олиб, ҳозир Америкада таҳсил кўраётир. Биласизми, кенгашда шу опамиз нималар деди, айтдиларки, ҳозир қизларимиз ўз тўйларида 16 ва 17-асрдаги европаликларнинг кийимларини кийиб ўтиришга рўжу қўйган эканлар. Бугундан бошлаб, Европанинг ойимтиллоларига тақлид қилишни йиғиштирайлик, деди. Айрим бойваччаларнинг тўйлари ўқувчи қизларимиз онгига ёмон таъсир ўтказаётганини кенгашда сўзга чиққанлар рўй-рост айтишиб, бу борада тартибга солинадиган жиҳатларни аниқ белгиладилар.

Ёзувчилар ризқ-рўз далаларида

Меҳнат қаҳрамони Абдусаттор Қурбонов ўттиз йилча аввал «Сурхон» хўжалигида тракторчиликдан бошлаган эди ўз иш фаолиятини. Орадан ўтган 28 йил мобайнида у Шеробод, Қумқўрғон, Денов ва Қизириқ туманларида турли раҳбарлик лавозимларида ишлади, юртга танилиб қаҳрамон бўлди, донгдор пахтакор деган ном олди, бир мунча фурсат эл бошига гдлянчи тўдалар қора булутдай бостириб келганларида унинг аламларини ҳам тортди. Шу йилнинг бошида унга яна катта ишонч билдирилиб, икки йилдан буён режаларини бажара олмай қарзга ботган, оғир карвон ва кўп тармоқли «Сурхон» хўжалигининг раҳбарлиги топширилган эди. Буни қарангки, ўтган йилни 45 миллион сўм қарз билан якунлаган фермерлар уюшмаси бу йил 70 миллион сўм соф даромад билан янги йилга ўтаётир.

— Ўтган йилгига қараганда икки минг тонна кўп пахта бердик. Ҳосилдорликни режадаги 33,2 центнер ўрнига 39 центнерга етказдик, — дейди раис.

Хўжалик ўз ерининг барчасини 67 та фермер хўжалигига бўлиб берибди. Шунинг учун ҳам «Сурхон» эндиликда жамоа хўжалиги, деб эмас — фермерлар уюшмаси деб юритилаётир. Ҳар бир фермернинг 50 гектардан 300 гектаргача ери бор. Янгича иш усули бир йилдаёқ ўзини кўрсатибди. Бу ерда ҳаваскор шоир Бадалихон Бўриевни Сочидан олиб келинган сарв ва шамшод дарахти кўчатларини экиб кўпайтираётганини кўрдик.

Йўлимиз яна бир қаҳрамон раҳбарлик қилаётган Денов туманидаги Собир Раҳимов номидаги хўжалик сари тушди.

Иброҳим ака Файзуллаев олти йилдан буён шу хўжаликка раҳбарлик қилиб келаётир. Икки йил муқаддам эса зироатчиликда эришган ютуқлари учун «Ўзбекистон қаҳрамони» фахрий унвони билан тақдирланди. Қаҳрамон раис билан танишиш ҳар бир ижодкор учун айниқса мароқли эди. Раис ҳам шуни сезди шекилли, идора томон бораётиб, далалар орқали йўл бошлади. Хўжалик пахта тайёрлаш режасини аллақачон бажариб бўлган, шундай бўлса ҳам туман, вилоят ва республика режасига ҳисса қўшиш учун охирги мисқоллар ҳам йиғиштириб олинмоқда. Кичик қишлоқлар ва далалар атрофидан ўтган кўчалардаги ғўзапоя ғарамлари эътиборимизни тортади. Раис ҳар замонда ана шу ғўзапоялар-да қолган сўнгги чаноқлар ҳосилини тердираётган бригада бошлиқлари билан ҳол-аҳвол сўрашиб ўтарди. Қудрат Тоғаев бошлиқ бўлган бригада даласида тўхтадик. Қирқ гектар далада пахта ҳосилдорлигини 34 центнерга етказган зироатчилар шу йил ёзда 50 гектар ғаллазорининг ҳар гектаридан 52 центнердан дон олган экан. Ҳозир яна пахта изидан дарров ерга дон сепишибди. Нарзулла Мелибоев, Мамароим Саломов, Раҳмон Нажмиддиновлар кузга ғаллага бир маромда сув тарашмоқда эди.

Далалардаги бир манзара тасаввуримизда муҳрланиб қолди: бир томонда майсалари кўмкўк бўлиб униб чиққан ва сув таралаётган буғдойзорлар, унинг ёнидаги кечагина ғўзапояси ўриб олинган далаларда эса шудгорлаш ва кетма-кет ғалла экиш авжида. Иш худди завод конвейерларидагидек ташкил этилганига икрор бўласиз. Бу йилгидек йиғим-терим мавсуми чўзилиб кетган шароитда вақтдан ютишнинг ўзга чораси йўқ.

— Йўллардаги мана шу сўнгги ҳосилни ким аввал тозалаб олса хўжалик ғўзапояни уларнинг уйига ўз транспортида ташиб етказиб бераётир, — дейди Иброҳим ака уйлар олдига тўкилган ғўзапоя ғарамларига ишора қилиб.

Раҳбар тадбиркор бўлса ҳамма нарсанинг уддасидан чиқиш мумкин экан. Мазкур ширкатлар уюшмасининг энг илғор пахтакорлари гектаридан 47 центнерга, ғаллакорлари эса 50 центнерга етказиб ҳосил олмоқда. Барча ерини оилавий пудратчиларга бўлиб берган уюшмада ғаллачилик ва пахтачиликнинг ўзидан бу йил 80 миллион сўм даромад олиш кўзда тутилмоқда. Банкдаги пуллари эса 50 миллион сўмдан ортиқ. Бундан ташқари уюшма ўз валюта ҳисобига ҳам эга.

Бу манзилда шакар заводи қурила бошлаганини ҳақида эшитган эдик. Раис бувадан шу ҳақда сўрадик.

— Франциянинг «Делопланик» фирмаси билан тузилган контракт асосида ширкатлар уюшмамиз ҳудудида йилига 10 минг тонна шакар ишлаб чиқарувчи завод қурилишини бошлаган эдик, — дейди И. Файзуллаев, — Мазкур фирманинг вакиллари далаларимизда корхона хомашёси учун зарур бўлган лавлагини экиб синаб кўрдилар. Бир гектар майдондан 60 тоннага етказиб лавлаги ҳосили олинди. Завод шакардан ташқари йилига иккинчи маҳсулот сифатида 1,8 минг тонна спирт, шунингдек қанд моддаси ажратиб олинган лавлаги чиқитларидан жуда кўп миқдорда тўйимли мол озуқаси ҳам ишлаб чиқариш имконига эга бўлади.

Корхона акциядорлик асосида, Денов туманидаги хўжаликларнинг ўзаро ҳамкорлиги билан ишлайди. Шу мақсадда 1200 тонна пахта толаси хорижга сотилиб, «Агрохизмат» ҳисобига 800 минг доллар маблағ туширилибди. Ширкатлар уюшмасида хорижий фирмалар иштирокида Сурхондарё шароитида шакарбоп қанд лавлагидан кам меҳнат қилиб юқори ҳосил олиш истиқболларига бағишланган семинар ўтказилибди. Ҳа, тайёргарлик зўр. Ахир корхона келаси йилдаёқ маҳсулот бериши, уч йил ичидаёқ ўзини қоплаши керак. Ширкатлар уюшмаси ҳудудида корхона биноси анча қад ростлаб қолганини ҳам кўрдик. Ҳамма иш рисоладагидек. Фақат чт элдан замонавий дастгоҳлар ва жиҳозлар келтирилиши қолган.

— Ана шу масалада бизнинг айрим ташкилотларимиз ўрганиб қолган маъмуриятчилик халақит беряпти, — дейди Иброҳим ака. — Франция фирмалари билан тузган контрактимизга асосан корхона қурилишига хорижий сармоялар жалб этилиши керак эди. Бироқ бунинг учун Молия вазирлигининг кафолати зарур экан. Ана шу кафолатни олиш қийин бўляпти. Вазирликка қатнаганим қатнаган... Мана бугун ҳам йўлга шайланиб турибман.

Раисга оқ йўл тиладик.

***

Сариосиё туманида барпо этилаётган Тўпаланг сув омбори ва гидро электростанцияси бугун мамлакатнинг энг муҳим қурилиш ишнооотларидан бирига айланган. Туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Қосимжон ака Холдоров ҳамроҳлигида иншоот бунёдкорларининг бугунги ишлари билан танишдик. Сув омборининг фойдаланишга топширилганига кўп йиллар бўлди, бироқ унинг тўғони йил сайин мустаҳкамланиб ва баландлатилиб, жуда катта сув заҳираси йиғилмоқда. Бу бош тўғондан катта босим остида чиқаётган обиҳаётдан арзон электр қуввати олиш анча қулай. Шу мақсадда тўғон ёнида қудратли гидротурбиналар ўрнатилмоқда. Асосий ва ёрдамчи иншоотларда иш қизғин.

— Бу йил айни ёз пайтида Тўпалангда юз млн. куб метр сув йиғилди, — дейди бош иншоотнинг қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи Абдуғани Сангинов. — Лойиҳа бўйича унинг сиғимини 500 млн. куб метрга етказиб, тўртга гидротурбина ўрнатишимиз керак. Келаси йили уларнинг иккитасини фойдаланишга топшириш ниятидамиз.

Тўпаланг фақат Сариосиёга эмас, вилоятнинг кўплаб туманларига обиҳаёт етказиб беради. Гидроиншоотлар ишга тушгач яна бир улуғ дарё — нур дарёси озод Ватан бағрига зиё соча бошлайди. Тоғлар бағридан қайтаётиб, Қосимжон ака билан Сариосиёнинг бой иқтисодий имкониятлари ҳақида фикрлашамиз.

— Ўтган йили ҳар гектар ғалладан 35-36 минг сўмдан, пахтадан эса 53-55 минг сўмдан даромад олинган эди. Ислоҳотларнинг асосий йўналиши юқори даромад олишга қаратилгани боис бу йил ғаллазорлар гектар ҳисобига 56-57 минг сўмдан, пахта майдонлари эса 70-75 минг сўмдан даромад беряпти. Ҳосилдорликни ошириш, етиштирилган маҳсулот сифатини яхшилаш, харажатларни қисқартиш йўлларини ахтариш, боқимандаликка барҳам бериш шундай имконият яратмоқда,— дейди ҳоким.

Қурилишлар ва саноат корхоналарининг кўплиги, деҳқончиликда ислоҳотлар нақд самара бераётгани киши кўзини қувонтиради. Кўпчилик пахтани плёнка тагига экиш харажатларни оширади деб турган бир пайтда сариосиёликлар пахта майдонларининг етмиш фоиздан кўпроқ қисмида бу усулдан унумли фойдаланиб, унинг самарараларидан баҳраманд бўлишмоқда. Ҳосил эрта пишгани учун такрорий экинлар экиб, амалда йилига икки ва ҳатто уч марта ҳосил олинмоқда. Ғалладан бўшаган ерларда эса кунгабоқар яхши ҳосил бермоқда. Сариосиёликлар бу йил 400 тонна кунгабоқар ҳосили олишди. Унинг 40 фоизи ёғ берса, қолган 60 фоизи чорва учун тўйимли озиқ.

Аҳоли фаровонлигини яхшилашда яна бир имконият сариосиёликларга қул келаётир. Ғалладан бўшаган ерларнинг ярми одамларга бўлиб берилади. Ярмига хўжаликлар экин экади. Бир гектар ҳам ер такрорий экинсиз қолмайди. Шунда унинг бир йиллик даромади юз минг сўмдан ҳам ошиб кетади. Бу оддий оарифметика. Бироқ деҳқонга техникадан, уғитдан амалий ёрдам керак. Ана шунга шароит яратган раҳбар ўз элининг раҳматини олади. Биз туманда ана шундай ўзига хос маънавий муҳит илдиз отаётганидан мамнун бўлдик. Айниқса, юрт ободлиги йўлида қўйилаётган қадамлар, янги қурилишлар эътиборимизни тортди. Сариосиё тумани маркази қиёфаси икки-уч йил ичида таниб бўлмас даражада ўзгарибди. Шу кунларда бу ерда янги типдаги маҳалла гузари ва спорт-соғломлаштириш мажмуи қурилиши тезкорлик билан олиб борилмоқда. Маҳалла гузарида никоҳни қайд этиш уйидан тортиб, отахонлар чойхонасигача, турли савдо дўконларидан тортиб, маиший хизмат тармоқларигача бўлса, спорт-соғломлаштириш мажмуида эса болалар ва катталар учун алоҳида-алоҳида сузиш ҳовузлари, футбол, волейбол, баскетбол, теннис майдонлари, миллий кураш муслабақалари ўтадиган ўйингоҳларгача бир-биридан шинам қилиб барпо этилмоқда.

Бу иншоотлар «Наврўз» байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Кўнгилга ёруғлик сочаётган жиҳат шуки, Сариосиёда одамлар бу ишларни буюк келажакни ўз қўллари билан яратиш, юртбошимиз айтганидек, ўзидан яхши ишлар ва яхши ном қолдириш ниятида амалга оширишмоқда. Элнинг меҳнат қилиб топган бойлиги уч-тўртга амалдорнинг уйию тўйини эмас юрт жамолини, мамлакат қиёфасини обод қилмоқда. Баланд тоғлар бағридан обод йўллар ўтказмоқда. Элнинг мард йигитлари ўсиб-унадиган замин кўксини Алпомиш боғларига буркамоқда.

Малик МУРОДОВ,
Мурод АБДУЛЛАЕВ
Болта ЁРИЕВ

Маннон Уйғурнинг 100 йиллигига

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ

Миллатнинг фахри ва ғурурига айланган шундай ижодкорлар борки, улар ижоди давр ўтган сайин ўсаётган, шаклланаётган ёшларга маънавият ва фидойилик мезони бўлиб хизмат қилаверади. Шундай шахслардан бири ўзбек миллий профессионал актёрлик маҳорати ва реалистик миллий режиссура мактабининг асосчиси Маннон Уйғурдир.

1934 йилдан бошлаб матбуот саҳифаларида унинг актёрлик, режиссура, театрда ижодий муҳит яратиш, ёш ижодкорлар билан ишлаш, драматургия, таржима, адабий тил ва саҳна нутқига бағишланган қатор илмий мақолалари ва назарий қарашлари чоп этилган.

Унинг театр санъатига фидойилиги, тинимсиз изланиши натижасида Ҳамза театри 1931 йили давлат академик драма театри даражасига кўтарилди. Санъаткор ҳаёти ва ижоди театршунос Эркин Исмоиловнинг «Маннон Уйғур» номли китобларда кенг ёритилган.

Театршунос олимлар М. Раҳмонов, Т. Турсунов, М. Қодиров, Т. Баяндиевлар Маннон Уйғурга бағишланган илмий мақолаларида ижодкорнинг беқиёс фаолиятига ўз муносабатларини билдириб келишмоқда. Бироқ бугун биз миллий реалистик театр санъатини жаҳон андозаси даражасига олиб чиққан Маннон Уйғур ижодини илмий ўрганиш ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини ҳис қилмоқдамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, академик театримиз Маннон Уйғур бадиий раҳбарлиги даврида юксак натижаларга эришди. Бироқ ҳозирги кунда театрларимизда етук билимга эга, томошабинни маънавият ва маърифатга бошловчи, ўз эстетик қарашларига, ижодий мақсадига театр аҳлини эргаштирадиган бадиий раҳбар — бош режиссёрлар етишмаслиги сир эмас. Албатта, бу муаммони ҳал қилишнинг турли шаклларини Ҳамза номидаги академик театр, «Муқимий» театри ва кўпгина вилоят театрлари ижодкорлари қидириб кўрмоқдалар.

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институти режиссёрларни тайёрлаш, ўқитишни тезлатиш ва вақтинча юзага келган бадиий раҳбар муаммосини ҳал қилиш мақсадида «Режиссёрлар учун олий таълим» ва «Драматурглар учун олий таълим» 2 йиллик курсларини ташкил қилди. Курсларда театрларда бадиий раҳбар бўлган тарихий ва машҳур шахслар, таниқли режиссёр ва драматурглар тажрибаси ҳақида алоҳида маърузалар ўқиш режалаштирилган. Ўзбек режиссура санъатининг отаси Маннон Уйғур маҳорати ва бадиий раҳбарлик тажрибасини илмий ўрганиш асосида дарсликлар яратиш ҳам зарураттдир.

Бадиий раҳбарнинг асосий вазифаларидан бири ижодий куч — актёрлар ансамблини тузиш бўлса, иккинчиси репертуар муаммосини тўғри ҳал қилиш. Бу масалаларни ҳал қилиш жараёнида театрга ёш ижодкорларни жалб қилиб туриш ва шу билан боғлиқ муаммолар ечими ҳам бадиий раҳбар салоҳиятига боғлиқ. Маннон Уйғур яратган драматурглар билан театр ҳамкорлиги мактаби ҳам эътиборга лойиқ. У театрда драматургларнинг Академик лабораториясини ташкил қилиб, бадиий раҳбарларнинг яна бир масъулияти бор эканлигини амалий исботлади. Маннон Уйғур бадиий раҳбар доим янгиликка интиладиган, изланувчан, ижодкор шахс бўлишга мажбур эканлигини ҳам амалда намоён этди.

Бадиий раҳбарлик вазифасини Маннон Уйғур қай даражада бажарганини ўрганиб чиқишнинг ўзи жуда кўп масалаларни ойдинлаштиради, деган умиддамиз.

Миллий театр маданиятини ривожлантирган, уни жаҳон театрлари даражасига олиб чиққан ва театрни халқнинг энг севимли маънавият ва маърифат марказига айлантира олган Маннон Уйғур ижодини илмий ўрганиш ва тарғиб қилиш вақти келди. Чунки миллатнинг маънавиятли ва маърифатли бўлишини орзу қилган ва шу иш амалиётига умрини сарфлаган шахсларнинг эстетик қарашларини ўрганиш театр санъатимиз равнақи учун ниҳоятда муҳимдир.

Маъмур УМАРОВ

«ГУЛИСТОН»ДА УЧРАШАЙЛИК

«Гулистон» журнали мамлакатимизнинг мустақиллик даври ойномаси бўлиш учун ҳамма имкониятларни ишга солмоқда. Унинг йўналиши анча кенг.

Журналимиз ҳар доимгидай Ўзбекистонда содир бўлаётган ижтимоий-тарихий воқеаларнинг назарий масалаларига эътиборни кучайтиради: Президентимиз Ислом Каримовнинг китоблари, маърузаларида олға сурилаётган ғоялар кенг ўқувчилар оммасига етиб бориши йўлида мунтазам мақолалар бериб боради; мамлакатимизда мустаҳкамланиб бораётган демократик тамойиллар, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар, маънавий юксалишлар, шахс эркинлиги ва камолоти масалалари таҳририят диққат марказида туради.

Журналнинг асосий вазифаси инсон маънавиятини юксалтириш ва мустақиллик замонасининг озод ва эркин тафаккур юритувчи кишиларини тарбиялашдан иборатдир.

Муассисимиз Маданият ишлари вазирлиги бўлгани учун бу вазирлик тасарруфидаги барча ташкилотлар, муассасалар фаолияти ҳамда мамлакатимиз маданияти билан боғлиқ кўплаб масалалар журнал саҳифаларидан жой олади.

1999 йил XX асрнинг энг сўнгги йили. Шунинг учун асримизнинг ижобий ва салбий томонлари, халқимиз маънавиятининг аср бўйи кечирган қисматлари ва ўзгариш тамойиллари, мустақил маънавий руҳнинг парвозига бағишланган материалларни режалаштириб қўйдик.

1991 йили «Санъат» журналида бир йил мобайнида нашр этилган зардуштийларнинг «Авесто» китоби таржимасини журналимизнинг 1999 йил 1-сонидан бошлаб яна бериб борамиз. Таржимани «Авесто» ҳақидаги Эрон, Туркия ва бошқа мамлакатлардан олиб келинган янги маълумотлар асосида шоир Асқар Маҳкам давом эттиради.

Бундан ташқари, Жалолиддин Румийнинг «Маснавий-маънавий»си, Шарқ мутафаккирларининг фалсафий, ахлоқий ва эстетик қарашлари, жаҳон фани ва маданиятига қўшган улкан ҳиссаларини ёритувчи материаллар ўрин олади.

Журналнинг асосий йўналиши мустақиллик даври ўзбек миллий маданияти, адабиёти ва санъати, урф-одат ҳамда удумларини акс эттиришга қаратилади. 1999 йилдан бошлаб «Мустақиллик даври адабиёти», «Мустақиллик санъати», «Мустақиллик ва бунёдкорлик» сингари янги рукнлар ташкил этилади. «Тўйларимиз — ўйларимиз» рукни остидаги мақолаларда ўзбекона маросимларимизнинг халқчил, жозибали томонлари билан бирга, айрим исрофгарчилик ва манманликка берилиб кетган жиҳатларига танқидий назар ташланади.

Халқимиз адабиёт ва санъатни севади. Шуни назарда тутиб журнал саҳифаларидан янги шеърлар ва санъат асарларига кенг ўрин ажратилади. Айниқса, адабиёт ва санъат оламига илк қадам ташлаган истеъдодли ёшлар учун журнал ўзининг илиқ меҳр қучоғини очади.

Республикамиз талантларга бой. Миллийлик уфуриб турган халқ ижодиётининг ютуқлари ва муаммолари ҳам кенг ёритилади.

Таҳририят ходимлари ўз муштарийларининг ҳаёти доимо «Гулистон» бўлиши учун уларнинг бошига тушган айрим нохуш ҳодисаларда кўмакдош бўлиш ниятида ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар, терговлар ҳамда прокуратура фаолиятида учраб турадиган, Президентимиз томонидан қаттиқ танқид қилинган томонларига ҳам эътибор бериб, инсон ҳуқуқларини, пок одамлар манфаатини ҳимоя қилувчи ҳамда қонунбузарлар ва жамиятга зарар келтирувчи кимсалар ҳақидаги танқидий материалларга ҳам ўрин ажратади.

«Гулистон» журнали мустақил Ўзбекистон маданий-маънавий ҳаётини ёритишни асосий мақсад қилиб қўйган экан, бу жараён ниҳоятда кенг ва хилма-хиллигини ҳис қиламиз. Шунга кўра жойлардан келадиган хатлар, таклифлар ва мулоҳазаларга муштоқмиз.

Журналимиз барча маданият ва маънавият жонкуярларининг кўз чароғи бўлишини истаймиз. Шунга ҳаракат қилмоқдамиз.

Тилаб МАҲМУДОВ,
«Гулистон» журнали бош муҳаррири

Муаммо

МИЛЛИЙ ҚЎҒИРЧОҚ ҚАЧОН ЯРАТИЛАДИ?

Сиз илк қўғирчоқ қачон яратилганини биласизми? Археолог олимлар қидириб топган тош қўғирчоқ бундан уч минг йилларча илгари ясалган экан. XVI аср охирларида Франгистонда дастлабки либос кийдирилган қўғирчоқлар пайдо бўлган. Англия подшоҳи шундай қўғирчоқлардан бирини севимли қизига юборади. Маликаларга қўғирчоқ совға қилиш ўша даврлардан одат тусига кирган. Нима учун қўғирчоқлар асосан қиз бола — аёл кўринишида бўлади? Манбаларга кўра, қўғирчоқ ҳиндларнинг қадимий тилида «Кичик она» деб номланган. Кореяда ҳамон қўғирчоқни «бахт келтирувчи» деб билишади. Японияда эса ҳар йил учинчи ойнинг учинчи кунида қўғирчоқлар фестивали ўтказилади. Юз йиллардан буён япон қизалоқлари қайси фаслда туғилган бўлишмасин, ўз таваллуд байрамларини худди шу куни нишонлашади.

Албатта, бизнинг кичкинтойларимиз томонидан ҳам қўғирчоқ алоҳида меҳр билан эъзозланади. Лекин қизчаларимиз ўз қўғирчоқлари билан бу кун қай хил муомалада бўлишяпти? Афсуски, улар ҳамон малла сочли, мовий кўзли қўғирчоқлар билан «тиллашолмай» оворадирлар...

Юртимиз қизалоқлари учун жажжи қўғирчоқлар ишлаб чиқарувчи «Семурғ» қўғирчоқ фабрикаси айни пайтда Ўзбекистон — Саудия Арабистони қўшма корхонасига айлантирилган. Хорижлик сармоядорлар томонидан дастлаб қўшма корхона фаолияти учун 1 миллион АҚШ доллари инвестиция қилинди. Ўтган йил мобайнида бу ерда бир неча туркумда қўғирчоқлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича 16 миллион сўм даромад қилишга эришилди. Йил бошидан буён эса ҳар ойда ўртача 5 минг донадан қўғирчоқ тайёрланилмоқда. Тайёр қўғирчоқларнинг 80 фоизи турли вилоятларга, 20 фоизи пойтахт савдо шахобчаларига тарқатилади. Ушбу йилда қўғирчоқ тайёрлаш ва сотишдан 25 миллион сўмлик даромад олиш мўлжалланган.

Бир қарашда ҳамма иш сип-силлиқ кетаётгандай. Лекин синчиклаб туриб баҳо берилса, муаммолар сероб. Ҳал этилиши лозим бўлган энг биринчи муаммо — ўзбек қўғирочқларини яратишдан иборат. Ахир, етти йилдан буён ўз миллий қиёфамиз, миллий ғуруримизни тиклаш сари залворли қадамлар ташлаётган бўлсагу, лекин миллатимиз болалари учун миллий қўғирчоқларимизни яратолмасак?! Илгарилари дўконлар пештахталарида ёғочдан ишланиб антиқа зеб берилган «Матрёшка» қўғирчоқлари қатор тизилиб турарди. Қадимги рус эртаклари асосида ясалган бу каби қўғирчоқларга болалигимиздан кўзларимиз ўрганиб кетган. Бизнинг машҳур эртакларимиз, сара достонларимиз эса бошқа халқларникидан кўра ранг-баранг ва серқиррадир. «Зумрад ва Қиммат», «Алпомиш», «Равшан ва Зулхумор» «Қундуз билан Юлдуз» сингари юзлаб достону эртакларимиз қаҳрамонларининг гўзал қиёфасини нима учун қўғирчоқларимизга кўчириш мумкин эмас?!

Миллат қиёфаси ва феълатворини акс эттирувчи қўғирчоқларни бирданига яратиш қийин, албатта. Жаҳон тажрибасига кўра, узоқ ва пухта ўйланиб, сўнг амалга оширилган янгиликкина умрбоқий бўлади. Қолаверса, ўзбек қўғирчоқлари учун махсус тайёрланган мумқолип, зарур хомашё ва анча-мунча маблағ ҳам керак. Лекин битта нарсани ўйлаб ажабланасан, киши. Ўтган йиллар мобайнида замонавий мутахассислар ҳамкорлигида минглаб муаммолар шитоблик билан ўз ечимини топди. Шундай экан, олимлар, руҳшунос ва назариётчилар, тарихчиларимиз миллий қўғирчоқлар яратиш ишига бош қўшишса бўларди-ку! Тўғри, Халқ таълими вазирлиги бу борада танловлар ўтказяпти. Бироқ ғолиб қўғирчоқлар ишлаб чиқаришдан ўрин олмаётир.

Қўшма корхона Президенти Фарҳод Тожибоевни ўйлантираётган муаммолар ҳам талайгина экан.

— Американинг «Барбе» қўғирчоқларига ўзбекча либос кийдириб савдога чиқарувдик, деярли сотилмади, — дейди у. — Кейин росмана ўзбекча қўғирчоқ ясашга киришдик. Либосларни бичиб-тикиш осон кўчди. Лекин, сочга келганда... Биласизми, соч учун ишлатиладиган хомашё бизга доимо Загорский шаҳридаги илмий текшириш институти томонидан юбориларди. Уларда эса қўғирчоққа қора соч ишлаб чиқариш урф эмас. Эндиликда дастлабки тажриба сифатида кашта тикишда ишлатиладиган қора ипни тароқлаб, соч ўрнида фойдаланаяпмиз. Бироқ либосларни миллийлаштириш билан кутилган натижага эришиш қийин. Асосийси, ўзбек қўғирчоқларининг миллий қиёфасини тезроқ яратмоғимиз зарурга ўхшайди.

Ҳақ гап. Кейинги йилларда барча соҳаларда қизиқарли кўриктанловлар ўтказиб келинаётир. Баъзи бир соҳаларни жадаллаштиришда бу хил танловларнинг самараси беқиёс. Назаримда, миллий қўғирчоқлар қиёфасини яратиш ишига олимлару соҳа мутахассисларини жалб этиб, улар ўртасида махсус кўрик-танловлар ташкил этилса бағоят соз бўлур эди.

— Германия, Буюк Британияда қўғирчоқ ишлаб чиқариш технологияси ўта ривожланган, — дейди суҳбатдошим. — Англияда эса қўғирчоқлар жуда арзон, сабаби — улар оддий усулда тайёрланади ва тез-тез янгиланиб турилади. Ахир болаларнинг тасаввур доираси даврга қараб ўзгариб боради-да. Таиландда «Дунё — болалар учун!» деган шиор бор ва улар болажонлар учун замонавий ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни ўта жиддий иш деб билишади. Хуллас, хорижий мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиб, ибратли жиҳатларини оммалаштиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Қўшма корхона раҳбарининг таъкидлашича, фабриканинг илгариги шуҳратини сақлаб қолиш ҳам муҳим вазифа бўлиб турибди. Чунки ҳамиша маблағ муаммоси кўндаланг бўлади. Хомашё танқислиги туфайли кўпинча аксар дастгоҳларда иш тўхтаб қолади. Эндиликда бу ерда резина, пластмасса, пахмоқдан тайёрланган ўйинчоқлар ҳамда кичкинтойлар учун жажжи ошхона анжомлари туркумлари ишлаб чиқариб сотиш орқали корхона маблағини кўпайтиришга эришилмоқда.

Айни вақтда бу ерда 20 минг киши меҳнат қиладиган бино қурилиши ниҳояланаётир. Бунёд этилаётган бу фабрикада асосан ҳаракатланувчи электрон ўйинчоқлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Янги аср бўсағасида турган кичкинтойларимиз мураккаб техника ўйинчоқлари — ҳаракатланувчи автомашина, телефон, телевизор ва шунга ўхшаш замонавий буюмлар билан муносабатда бўлишга ўрганишлари керак, албатта. Лекин, гап шундаки, дунёнинг қайси бурчагига олиб борилса ҳам ўзбекона қиёфаси билан ажралиб турувчи, қолаверса, миллий тарбия воситаси бўлмиш ўз қўғирчоқларимизни тезроқ яратишга ҳам бугунги давр талаби деб қарамоғимиз шарт. Бизнингча, шу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўриш вақти аллақачон етиб келган.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

ҲИНД ДИЁРИДА БЕШ КУН

Турли миллат халқлари ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда кинонинг роли беқиёс. Шунинг учун ҳам кўплаб халқаро кинофестиваллар, маданият кунлари катта байрамларга айланиб кетади. Юртимиз кино санъати намоёндалари барча соҳа ижодкорлари каби бугун дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан ижодий ҳамкорлик ришталарини боғлашган. Айниқса, биз учун азалий дўст ва қадрдон бўлган ҳинд диёри кино усталари билан дўстлигимиз тобора мустаҳкамланмоқда. Яқинда Ҳиндистонда ўтган ўзбек киноси кунлари ана шу ҳамжиҳатликнинг яна бир намойиши бўлди.

Беш кун давомида Деҳли шаҳри кинотеатрларида ўзбекистонлик кино ижодкорлар яратган бешта бадиий ва бешта ҳужжатли филмлар намойиш этилди. Ҳинд томошабинлари турли йилларда суратга олинган «Сен ётим эмассан», «Ўтган кунлар», «Абдуллажон», «Темир хотин», «Марғиёна» каби бадиий фильмларни катта қизиқиш билан томоша қилдилар. Ҳинд томошабинлари ҳар бир бадиий филм олдидан кўрсатилган республикамиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи ҳужжатли филмларга ҳам катта қизиқиш билан қарадилар.

Ушбу тадбирда гуруҳ раҳбари сифатида қатнашган «Ўзбеккино» давлат акциядорлик бирлашмаси раҳбарининг биринчи ўринбосари Маматқул Ҳазратқулов Деҳлидаги кино кунлари ҳақида шундай деди:

— Ҳиндистон Информация ва радиоэшиттириш вазирлиги қошида фестиваллар дирекцияси бор. Биз ана шу дирекция таклифига биноан ҳинд диёрига ташриф буюрдик. Фестивалнинг очилиши ниҳоятда гўзал бўлди. Дастлаб Информация ва радиоэшиттириш вазири ўринбосари Мангат сўзлади. Фестивални эса дирекция раҳбари Сахай хоним кириш сўзи билан очди. Дастлабки куни намойиш этилган филмимизни Деҳлидаги элчихоналар ходимлари, ҳинд киноси мутахассислари ва томошабинлар жуда яхши қабул қилдилар. Айниқса, машҳур актёримиз Ўлмас Алихўжаев билан учрашув уларда катта таассурот қолдирди. Бу тадбир ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашига ишончимиз комил.

ВАТАН КЎЗ ҚАРОҒИМДА

Ҳазрат Алишер Навоий бир ғазалининг матлаъсида: «Жисмим ва жонимнинг энг азиз нуқтаси — қаро кўзим, фаолиятдаги инсондек келиб бир касб-шева қилки, кўзим қаросига болиғ мардум каби ватан қилгил», — дея лўнда қилиб битибдилар. Дарҳақиқат, мен ватандаман, ватан эса жоним ва танимнинг энг нозиқ нуқтаси — кўз қорачиғимда. Ҳа, Ватан муқаддас. У қалбингни жунбушга келтиради, дилингни эзгу истак билан тўпқинлантиради, меҳр уйғотади. У сени жўмард бўлишга даъват этади. Сен шунда ўқ бўлиб душманга отиласан, меҳр бўлиб она туғроғингни силайсан. Роҳатланасан, ажабланасан, бир сиқим тупроқни олиб қадрдонлик, яқинлик туясан. Бу — Ватан ҳисси!

Ватан! У сенинг қалбингга қачон жойланди, қачон энг буюк туйғуга айланди? Қачон?! О!... Унинг таърифин битмоққа қоғозу қаламлар ожиз. Ватанни кўмсайсан, соғинч билан сурату сийратини кўз қароғингга тиклайсан. Шунда. Она бўлиб, сирдош бўлиб ёринг каби тушларингга киради, дилбандингдек ғужурлашиб атрофингда юради. Бу — Ватан!

Ватан қувват бўлди — билагимга жойладим, нур бўлдию кўзларимда порлади, гул бўлдию дил боғида очилди, буй бўлдию юртим узра сочилди. Тоғ бўлдию савлат берди бағоят, тупроқ бўлиб ризқ улашди беминнат. Бу — Ватан!!

Ватан — қуёш бўлди, ой бўлди, меҳр бўлди — дўстларимга муқаррар, қаҳр бўлди — ағёрларга бетакрор, она бўлди — пешонамни силаган, ота бўлди — мурувват-ла қараган. Бу — ВАТАН!!!

Эй, она — Ватан! Бугун қадаминг илдам, зарбинг салобатли. Сен Гўрўғли бўлиб етти ёшда эл оғзига тушдинг, Алпомиш бўлиб довруғ қозондинг, Фарҳод бўлиб илму ҳунар — касб қилдинг. Менинг қора кўзларимга бир ҳовуч нур бўлиб кирдинг.

Ҳа, мен билан бирга барча мавжудот, ғала-ғовур оломон, ўн саккиз минг оламнинг неъмати шу ҳаво, шу шамол, шу ёруғлик, шу қоронғулик, симёғочда ғужирлаган анов қалдирғочу мусичалар — ҳамма -ҳаммаси менинг Ватаним!

Ватан ҳақида ўй сурарканман, ногоҳ шоирнинг қуйидаги сатрларини дилдан такрорлайман.

Ҳақ — Тангрим асрагин чала умрдан,
Умрим вафо қилса — менга бўлгани
Юртим юз ўгирса, қолсам беватан,
Ўша чоғ яхшироқ, дўстлар, ўлганим.

Ҳа, мен Ватандаман, ватан менинг кўз қароғимда. Кўзники, шоир айтганидек:

Тўқсон тўққиз кипригимдир қароғимга посбон,
Икки раста саф торттилар паҳлавонлар ногаҳон.

Дарҳақиқат, мужгондаги киприклар қароғимизни турли ғубору хаслардан асраганидек, Ватанни офат-балолардан асрамоқ, унинг тараққийси учун фидойи бўлиш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Иллоҳо, она — Ватанни ёмон кўздан ўзинг асра, кўзим қароғи!

Ибриқ ҚУВОЙИ
Фарғона вилояти, Қува тумани

Акбар ЖОНУЗОҚОВ

КУЗ ХАБАРИ СИЗДАН КЕЛДИ

— Куз келди, —
Хабар куздан эмас СИЗДАН келди.
Мунг ҳам кузники эмас, Сўзники эди.
Хабар ҳам СИЗНИКИ эди,
Мунг ҳам СИЗНИКИ.

— Ҳаммаёқ хазон, —
Япроқ қидиради сизнинг СЎЗИНГИЗ.
Кўзингиз хазон ўрмалайди, КУЗИНГИЗ.
Япроқ соғинган сўзингиз ҳам эмас,
кузингиз ҳам —
Ўзингиз.

Хуморга айланади сиз кутган кўзлар,
Юзларингиз булут-булут бўлади.
Шамол-шамол бўлади соғинчларингиз
Учиб тушади сиз лаб урган сўзлар:
— Бир япроқ бўлсайди...
Бақириб юборгим келади бирдан:
— ЯПРОҚ ЭКАНЛИГИМНИ ҚАНИ
БИЛСАЙДИ!!!

Хазон-хазон бўлади яна сўзингиз.
Яна юзингиз булут-булут бўлади.
Вужудингиз яна ёмғирга тўлиб,
Тўкилиб кетади дилдан бўзингиз:
— Баҳор тезроқ-тезроқ келсайди...
Бақириб юборгим келади бирдан:
— БАҲОР ЭКАНЛИГИМНИ ҚАНИ
БИЛСАЙДИ..!

* * *

Эртага ҳаммаси яхши бўлади.
Қалбингни тебратмас бугунги видо
Кўзингга жиққа ёшлар айланиб
Ҳеч кимга айтмайсан: — «Алвидо».

Эртага ҳаммаси яхши бўлади.
Эртага йиғламай хайрлашармиз.
Айфуссиз, фиғонсиз, ўкинмай-куймай
Жилмайибгина айрилишармиз.

Эртага ҳаммаси яхши бўлади
Қўлингни менга силкиб қоласан.
Сарғайган фасллар ортингда қолиб,
Ям-яшил фаслни кутиб оласан.

Эртага ҳаммаси яхши бўлади
Соғинчинг қалбингда кўмилиб қолар.
Менинг соғинчимни хароба айлаб,
Янгиси, янгиси ундан жой олар.

Сени етаклайди ўз орзуларинг,
Чароғон йўлларинг сени пойлайди.
Супуриб, сидириб Эски Исмни,
Қалбингга янги Исм жойлайди.

Эртага ҳаммаси яхши бўлади
Охири Тақдирга кўнгил қўясан.
Эртага сен севгидан эмас
Пиқиллаб-пиқиллаб бахтдан тўясан.

Кипригинг қатра ёш ҳам кўрмайди
Қалбингга уюлмас соғинчдан хирмон.
Эртага Ишқ деган хазон бўлмайди,
Яшай бошлайсан тинч ва беармон.

Эртага ҳаммаси яхши бўлади —
Ҳеч ким соғинтирмас, ҳеч ким
соғинмас.
Эртага сенга толе кулади —
Биров узоқ эмас, ҳеч ким яқинмас.

Ҳаммаси эртага яхши бўлади.
Ҳеч кимга айтилмас ўша сўз — Видо.
Эртага киприкка ёш ҳам айланмас.
Эртагача... Алвидо...

ШЎРО АМАЛДОРИ

Ғурур зиналарин босиб эзғилаб,
Ахийри бу одам амалдор бўлди.
Қалбини курсида йўқотиб қўйиб,
Бир кун ўлди — юраксиз ўлди.

Ҳиссиз, ҳаяжонсиз бадбин ҳаётдан
Бир бора бўлсада бўғилмаганди.
Уни «ўлди» деб қайғурманг асло,
Чунки у ҳеч қачон туғилмаганди.

БОБУРНИНГ «МАХФИЙ ВАСИЯТНОМА»СИ

Боши биринчи бетда

(Айрим шўро шарқшунослари «Бобур вафотидан сўнг уч кун ўтгач, Ҳумоюн 23 ёшида Ҳиндистон тахтига ўтиради» деган маълумотни берадилар. (Қаранг: И.Ҳошимов, Ҳиндистонда бобурийлар сулоласи салтанати, Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1996, 14-бет).

Ҳинд олимлари орасида бу воқеага, яъни Ҳумоюннинг тузалиб кетиши ва Бобурнинг касалланиб қолиши воқеасига қарашда якдиллик йўқ. Айрим тарихчилар, масалан, профессор Сри Рам Шарма ўзининг «Калкутта Ревю» журналида 1936 йили босилиб чиққан мақоласида бу воқеанинг бўлганлигига шубҳа билдиради. Унинг аниқлашига қараганда, Бобур Ҳумоюн соғайганидан олти ой кейин касалланган.

Бошқа бир ҳинд профессори, Оллоҳобод университети тарих бўлимининг собиқ бошлиғи Р. П. Трипатининг бу хусусдаги кузатишлари ҳақиқатга яқин келади. «Мўғул салтанатининг ривожи ва инқирози» номли китобида (Оллоҳобод, 2-нашр, 1960, 62-бет) профессор Р. П. Трипатининг аниқлашича, Ҳумоюн Бадахшондан 1529 йили июн ойида қайтиб келган. 1530 йили март ойида у касалланиб қолган, Бобур бўлса, ўша йил апрел ойида касалланган, Ҳумоюн эса соғайган. Бобурнинг касали 1530 йил июл ойида кучайган ва ўша йил 26 декабр куни буюк Бобур дунёдан кўз юмган.

1529 (936 ҳижрий) йили Ҳумоюн соғайиб, Бобур мирзо касалланиб қолганидан кейинги воқеалар «Бобурнома»да берилмайди. Бу машҳур асар юқорида келтирганимиз воқеалар тавсифи билан узилиб қолади. 1530 (937 ҳижрий) йилгача содир бўлган Бобур билан боғлиқ воқеалар ҳақида биз кам маълумотга эгамиз.

А нусха

Ўз ҳаётини ҳам фарзанди Ҳумоюнга беришга тайёр бўлган ота бирор ёзма васият қолдирмаганмикан,— деган саволга ўзимиз мантиқдан келиб чиқиб: «Албатта, бирор ёзма васият қолдирган бўлиши керак», деган тахминни келтирардигу, бу тахминимизни бирор далил билан исботлай олмас эдик.Бунинг биринчи сабаби, шўро даврида оёқ-қўлимиз боғланганлигида эди. Чет мамлакатлар кутубхона, ҳужжатхоналарига эркин бора олмаганимизда, хорижлаги ҳамкасбларимиз билан мустақил, бировнинг тазйиқисиз фикр алмаша олмаганимизда эди. Энди аҳвол бутунлай ўзгарди.

Сўнгги бир неча йил мобайнида мен Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва бошқа Шарқ мамлакатларида Бобур ҳақида ёзилган (қўлёзма ёки босилиб чиққан) асарлар нусхаларини тўплашга ҳаракат қилдим. Шу иш билан банд бўлинган бир вақтда Ҳиндистонда Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга ёзма равишда қолдирган ***«Махфий Васиятнома»***си сақланаётганлиги маълум бўлди. Бу «Махфий Васиятнома» 935 ҳижрий йили жумодул-аввал ойининг биринчи куни (мелодий 1529 йил 11 январда) Бобур Огра яқинидаги Нилуфар Боғ (Боғи Нилуфар)да турганида ёзилган экан. Ҳозир бу ер Ҳиндистоннинг Ражастон штатига қарайди.

«Махфий Васиятнома» ўнг томонида доира ичида Бобурнинг «933. Подишоҳ Баҳодир Ғозий Заҳириддин Муҳаммад Бобур» деб нақшланган муҳри ҳам берилган.

Бобур шоҳнинг ўғли шаҳзода Ҳумоюнга қолдирган бу Васиятномаси Ҳиндистонни бошқаришга оид ўгит-маслаҳат, йўл-йўриқлардан иборат бўлгани учун ҳам у ***махфий*** саналган ва ***«Махфий Васиятнома»***, деб юритилган.

Бир қанча бобуршунос олимлар Бобурнинг ёзма васиятномаси бўлганлигини ўз ишларида қайд этиб келганлар. Бу васиятнома билан ҳинд профессорлари — Саййид Росс Маъсуд (Sir Syed Ross Masood), Ҳ. К. Шерваний (H. K. Sherwani) ҳамда Жайпурдаги Ражастон университети профессори, тарихчи олим Р. Натҳ (R. Nath) таниш бўлганлар.

(Бу ҳақда қаранг: Покистон Тарих жамияти журнали, 1994 XLII жилд, III қисм, 223-229-бетлар).

Биз қуйида Васиятноманинг асл нусхаси расмини (А нусха) ва Васиятноманинг профессор Ҳ.К. Шерваний ўқиб, кўчирган нусхаси (Б нусха) расмини келтирамиз. Бу икки нусхани ўқиб, қиёслаб чиқишда ҳиротлик файласуф олим, Қобул университетининг собиқ профессори Абдулла Ғурриёний ва миллатдошимиз, Бобур мирзонинг узоқ авлоди, ҳозирги кунларда АҚШда истиқомат этаётган профессор Иноятулла Шаҳроний катта ёрдам бердилар. Имкониятдан фойдаланиб, биз бу азиз қондошларимизга ташаккур билдирамиз.

БОБУР МИРЗО «МАХФИЙ ВАСИЯТНОМА»СИНИНГ ТАРЖИМАСИ

«933 (ҳижрий йили)
Подишоҳ
Баҳодир Ғозий
Заҳириддин Муҳаммад
БОБУР

Алҳамдилиллоҳ
ҒОЗИЙ ПОДИШОҲ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУРНИНГ
ШАҲЗОДА НАСИРИДДИН
МУҲАММАД ҲУМОЮНГА,
УНИНГ УМРИ УЗУН
БЎЛСИН,
МАХФИЙ ВАСИЯТНОМАСИ

Султонат (давлат)нинг мустаҳкам бўлиши учун бу махфий васиятнома тузилди. Эй фарзандим, Ҳиндистон мамлакати турли мазҳаблардан маъмур бўлган (ташкил топган). Оллоҳ таоло Сизга буни каромат этди. Сиз мазҳабларни ёмон кўришдан дилингизни пок тутинг. Ҳар мазҳабнинг тариқасига (йўлига) адолат қилинг. Хусусан, Ҳиндистоннинг қалбини қўлга киритаман десангиз, сигир сўймоқдан ўзингизни тийинг (матнда: парҳез қилинг). Бу яхшилигингиз (эҳсонингиз) эвазига шу вилойат аҳлининг қалби Сизга яқин бўлади.

Қўлингиз остидаги ҳар қавмнинг ибодатгоҳларини ва муқаддас жойларини хароб этманг. Шундай одилликни ихтиёр қилингки, подишоҳ раъийатдан ва раъийат подишоҳдан осуда бўлсин. Исломнинг тараққиёти эҳсон қиличидан яхшироқ бўлади, зулм тиғидан эмас. Сунний ва шиа ўртасидаги жанжаллардан кўзингизни юминг. Агар бундан кўз юммасангиз, ислом заифлашиши мумкин. Раъийатдаги турли қалбларни арбааи аносир* билан маҳкам тутинг. Салтанатнинг жисми турли маразлардан тинч бўлсин.

Подишоҳлик ишларини пухта қилиш учун ҳазрат Амир Темур Соҳибқироннинг ишларини кўз олдингизда тутинг.

Ва мо аллайно иллал балоҳ!**

Биринчи жумодиул-аввал 935 (ҳижрий йили)»

Бобур фаолиятига оид бир қанча тадқиқотлар яратган ҳинд тарихчиси, Жайпурдаги Ражастон университетининг тарих профессори Р. Натҳнинг фикрига кўра, ўзининг 47 йиллик умрининг 36 йилини жангу жадалларда ўтказган Бобур аслида осойишталик, тинчлик одами эди. У тўғрисўз, ҳақиқатгўй солномачи, «Бобурнома» муаллифи, бизнинг давримизгача икки девони етиб келган ажойиб шоир, табиат ошиғи, гўзал боғ-роғлар яратувчи ва ҳаммасидан ҳам муҳимроғи, гуманист эди. Ўзи сунний мазҳабидаги мусулмон бўлса-да, диний ақидаларга ёпишиб олмаганди. Шу боис ҳиндлар унга «Қаландар» номини беришган. Бутун ҳаёти мобайнида у санъат, шеърият, мусиқа ва расомликка нисбатан хур фикрликни сақлаб келди. Унда ҳеч вақт манъ этишлар бўлмаган. Бобур бошқа диндагиларга нисбатан муроса билан яшаш, сабр-бардошли бўлиш, диний ишларига аралашмаслик сиёсатини қўллаган. У ерли халқнинг диний эътиқодларини ҳурмат қилган. Унинг 1529 йил 11 январда Дҳолпурдаги (Дҳолпур Бобур яхши кўриб қолган Огра шаҳрига яқин жойлашган, ҳозир Ражастонга қарайди) «Боғи Нилуфар»да турганида ўғли Ҳумоюнга атаб ёзган махфий васиятномаси бунга ёрқин мисолдир.


Б нусха

Бу «Махфий Васиятнома» насталиқ хатида форс тилида ёзилган. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, қоғозига олтин суви пуркалган бўлган ҳамда қоғознинг ҳошияларига гулли безаклар ишланган.

Мазкур Васиятнома дастлаб Султония давлат кутубхонасида, Бҳопал (Sultania State Library, Bhopal)да сақланган. Кейинчалик бу кутубхонанинг номи ўзгартирилиб, ундаги адабиётлар бошқа кутубхоналар, хусусан, Мавлоно Озод Марказий кутубхонаси (Maulana Azad Central Library) ва Бҳопал давлат кутубхонаси (The State Librory, Bhopal C.I.) ихтиёрига бериб юборилган. Ҳозирги кунларда Бобурнинг васиятномаси Бҳопал давлат кутубхонасида сақланади.

Васиятнома фотонусхасини биринчи бўлиб кутубхона мудири Б. Гошал (B.Ghoshal) олиб, жаноб Саид Росс Масъуд(Sir Syed Ross Masood)га юборган. С. Р. Масъуд бу васимятнома фотонусхасини профессор Ҳ. К. Шерванийга тақдим этган. Марҳум профессор Ҳ. К. Шерваний илк бор васиятномани ўрганган ва транслитерация қилган, бироқ матбуотда чиқаришга улгурмаган. Ўғли доктор Мустафо Шерванийнинг рухсати билан, профессор Ҳ.К.Шерваний тўплаган ҳужжатлар асосида ҳинд тарихчиси Р. Натҳ васиятнома ҳақида илк фикрларни баён қилган.

Ҳинд олимларининг қатъий хулосаларига кўра, бундай васиятни ёзган инсон ўзгаларнинг диний ақидаларига аралашмайди. Бундай инсон ўз раъийати билан тинч-тотув яшаш тарафдори бўлади. Ҳинд олимларининг Бобур мирзога берган бу таърифларига ҳам ҳеч насра қўшиб бўлмайди. Зеро, Бобур мирзонинг қандай инсон бўлганлигини ўғлига қаратилган унинг «Махфий Васиятнома»си очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Бобур мирзонинг «Махфий Васиятнома»сидаги «подишоҳлик ишларини пухта қилиш учун ҳазрат Амир Темур Соҳибқироннинг ишларини кўз олдингизда тутинг», деган сўзлари фақатгина ўғли Ҳумоюнга нисбатан эмас, балки бугунги кунларда мустақилликни қўлга киритган ўз халқига қарата айтилган васиятдек жаранглаяпти.

Хайрулла ИСМАТУЛЛА

**Арбааи аносир — тўрт унсур: тупроқ(хок), сув(об), ўт(оташ) ва шамол(бод). Ҳаёт учун шу тўрт унсур уйғунликда бўлиши зарур, деб тушунилган. Бир унсур ҳам кам бўлса, ҳаёт уйғунлиги бузилади, деб фикр юритилган.*

***Қуръоннинг «Ёсин» сурасидан: «Ва мо аллайно иллал балоҳ ал-мубин — ва бизнинг бурчимиз фақат аниқ пайғом элтишдир»*

Васиятномада ал-мубин (аниқ,равшан) сифати ишлатилмаган.

ҲУР ДИЁР КУЙЧИСИ

АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИ ҲАҚИДА СЎЗ

Шеърият ва замон

Ўзбекистон Ефрат, Нил ва Туна каби буюк бир тарихнинг умумий томирлари сифатида оққан Сайхун ва Жайхун ирмоқларининг жаннатмакон иқлимидаги гўзал бир диёрнинг номидир. Бу ўлка Алишер Навоий, Улуғбек, Беруний, Амир Темур, Жалолиддин ва Ойбек сингари илм, санъат, адабиёт, давлат бошқаруви ва жанговарлик соҳаларида жаҳонгирларни етиштирган. Бу диёр буюк ҳадис ва фиқҳ доҳийлари, тасаввуф арбоблари билан исломга иккинчи Ватан, асрларча яшаётган ислом маданиятига энг муносиб манбаа ва бешик вазифасини ўтаган. Буюк шоиримизнинг сўзлари билан айтганда, «куладиган замонда йиғлаганлар ва йиғлайдиган замонда кулганлар, яъни янглиш замонда янглиш иш қилганлар»нинг ҳокимлиги даврида Ўрта Осиё халқлари илмий ва маданий ҳаётларида жуда кўп нарсаларнинг бутунлай йўқ бўлиб кетишига шоҳид бўлганлар. Шукурлар бўлсинким, турли парчалашлар, йўқотишлар узоққа бормади. Қайтадан бирлашган бу миллатлар шу кунларда қисқа бир муддатда, бу бўшлиқни, орадаги йўқотилган масофани тўлдиришга қодир бўлган жиддий азму қарор ва ғайрат ичида тўлиб-тошмоқдалар.

Ўзбек миллати мустақиллигини қўлга киритиши биланоқ Президент Ислом Каримов бошчилигидаги меҳнатсевар ва соғлом фикрли раҳбарлари билан бирликда, ўз тарихига суянган ҳолда, тарихий тикланиш достонини ёзишга киришдилар. Бу жараёнда мозийда қолган кунларида ҳам ҳеч қачон халқидан ва ўз миллий бойликларидан ажралмаган, ажралиш у ёқда турсин, халқнинг осуда кўнглидан ўзига тасалли ва таскин излаган:

Мен узлатни элимнинг
юрагидан ахтаргум,
Ўксукларнинг энг пинҳон
тилагидан ахтаргум

—деган шоиримиз Абдулла Ориповга Ўзбекистоннинг буюк тикланишини абадийлаштиришга қаратилган Ўзбекистон миллий мадҳиясини ёзиш бахти насиб этди.

Бир турк шоири:

Унутмаки, шоирлари ҳайқирмаган бир
миллат,
Севганлари тупроқ бўлармиш гўё
етим боладек —

деб ёзганди. Ҳақиқатан адабиётчилар, қолаверса, шоирлар ўз миллатининг тилидир. Ҳатто дили, ҳам қалбидир. Ҳа, адабиёт халқнинг руҳий дунёси, савияси ва маърифий бир лисони. Шеър севгиси, нафратлари, ҳаяжон ва изтироблари, умид ва қайғулари ичида янграб ривожланган жамиятнинг нафасидир. Шоир эса, ўрни билан бу жамиятнинг нафас йўли, ўрни билан тилидир. Ҳар бир шеър мутолаа қилинганда ўқувчига ўзи яратилган жамиятнинг хусусиятлари ҳақида баъзи нарсалар берса ҳам, унга доялик қилган муҳит ҳисобга олинмаса, шеърнинг ҳақиқий маъносини тушуниб етиш ғоят мушкулдир.

Шеър ўзи мансуб бўлган жамиятга, бу жамиятнинг тарихи, ишончи, урф-одатлари, ҳол-аҳволи билан узвий боғланган бўлса ҳам, шеърни ҳақиқий шеър қиладиган унсурлар фақат булардангина иборат эмас.

Шеър коинотнинг руҳида яширинган гўзаллик ва мувозанатнинг, борлиқнинг чегарасидаги ва дилрабо кайфиятнинг шоирона руҳларда тасвирланган бир ифодасидир. Айрича шеър коинотнинг кўриниши билан қаноат қилмайди, юксакларда ва яна юксакларда ҳис қилинган изтироб ёки бу шаклдаги хитобларнинг бир кўринишидир. Шеърдаги овоз ва нағмалар, руҳий кечинмалар ва ички туйғуларга кўра, баъзан шарқираб-шарқираб, баъзан эса нозиккина тарзда янграйди. Шунга кўра, шеърга оид ҳар бир товуш ва сўз фақатгина тилга келган онда руҳий ҳолат билан англаб олинади...

Турк адабиётининг сўнгги аср тараққиётида шеърнинг бу хусусиятларига мос келадиган уч машҳур шоир етишиб чиқди. Булардан бири Туркиянинг миллий шоири Меҳмет Акиф Эрсойдир. У Биринчи жаҳон уруши оқибатлари фарёдини уйғотган, бошқа тарафдан янгидан тикланиш учун халқка муҳаббат ва шавқ улашган, яна бир тарафдан эса халқнинг ишончини, руҳини, умидларини уйғотган, умид, қайғу, муҳаббат, шавқ ва ҳаяжон жўшқинлигининг шоири сифатида тарихга кирди.

Биз санаган шоирлардан яна бир Яҳё Камол Бейатли. У Туркияда тополмаган ва фақат Францияга кетгандан кейингина ғурбат шароитида топа олган миллий руҳни ва бу руҳ шаклланган миллатнинг ғururини битмас бир соғинч, сўнмас бир ўкинч ва чуқур бир дард ичида ички ҳиссиётлар билан ифода этган. Ноёб бир ички сезиш, туйғу, метафизик изланиш, дард ва маъно шоири сифатида ўзини танитган ва адабиёт ихлосмандларига «бир мисраси фахр учун бир миллатга етар», деб айттирган, шеърлари билан халқнинг ишончини, унинг дардлари, изтироблари ва муаммоларининг шоири бўлишига эришган Нежип Фозил Қисакурек биз санаган шоирларнинг учинчиси. Бу уч шоир сўнгги давр турк шеъриятининг чўққилари сифатида намоён бўлди.

Булар билан бир қаторда Аҳмет Ҳамди Тампинар, Ариф Нихат Асйа, Орҳан Шаик Гўкяй, Фарук Нафиз Чамлибел, Сезаи Каракоч, Нозим Ҳикмат ва яна бошқа шеъриятнинг юксак чўққиларига йўналган шоирларимиз ҳам бор. Алишер Навоийни етиштирган сермаҳсул Ўзбекистон тупроғининг бу даврда, етмиш йилдан кўпроқ аламлари ва бу аламлар ортидан келган иккинчи бир тикланишни тараннум этган, Меҳмет Акиф, Нежиб Фазил, Яҳё Камолларни давом эттирган, Абдулла Ориповни етиштириши бежиз эмасдир, албатта.

Ҳа, Абдулла Орипов сезги ва кузатувлари, туйғуларининг теранлиги, халқнинг дардлари ва соғинчларини, изтироб ва ишончларини тилга олиши ва булар барчасининг бой ўхшатиш, чуқур маъноли бўлиши, оддий, содда бир тил ва услуб ила ифодалаши билан фақат ўзбек адабиётинингина эмас, балки сўнгги даврлардаги шарқ адабиётининг энг машҳур сиймолари орасида ҳам кўринмоқдадир. У ўз шеъриятининг барча хусусиятларини мужассам қилган шоирлигини «Созим» номли шеърида шундай тасвирлайди:

Мен шоирман,
Истасангиз шу.
Ўзимники эрур шу созим,
* * *
Мен куйлайман — гоҳ тилда кадар,
Гоҳ севиниб шеър тўқийман мен.
* * *
Мен куйлайман ушбу оламда,
Инсон бўлиб туғилганимни.
Мен куйлайман, баъзан аламда
Йиғлаб-йиғлаб бўғилганимни.
Мен куйлайман, бу олам аро
Собит турган халқимни фақат,
Унутмасман ўтмишни асло,
Талпинсам-да илгари фақат...

Абдулла Орипов шеъриятидаги дастлабки мавзулардан бири, балки биринчиси ҳам Ватан тимсолидир. Бизда Фозил Доғларжа ёки Беҳчет Камол чоғлар сингари юрт шаънини куйлаган шеърлар ёзган шоирларнинг гўзал жумласида Туркияни «порлоқ боғлари, бўстонлари, тоғлари, адирлари, далалари ва ирмоқлари» билан эркалатадиган, ҳатто Холид Фахри Оззерсой, Ўрхон Шаик Гўкйай ва Нажмиддин Халил Ўнан сингари шоирлари бор.

У қадар тўлиқки, тупроғинг шонла
Бир эмас, балки, минг ватан кабисан.
Юксак тоғларингга чўккан туманла
Кўкларда ёзилган достон кабисан —

дея бошлаган ва шундай оҳангда давом қилган энг жўшқинли таранумларда унинг табиий гўзалликларини тасвирлар экан, Абдулла Орипов учун Ўзбекистон — Ватан муқаддас бир маъно, маъно тўла бир тушунча ва халқини мужассамлаштирган, халқи билан бир хил бўлган ватан бўлгани учун севиши лозим бўлган бир ҳур диёрдир.

Абдулла Орипов Ўзбекистоннинг аччиқ, дағал ва совуқ бир қиш каби қорли, музлик ва бўрон, тўфон тўла ўтган қоронғулик кунларида, ўзининг ифодалари билан айтганда «тарихнинг ҳукми Ўзбекистонни қоронғуликларга отиб, қорли ва музли тоғларни унга макон этган» кунларда, ватанини яна севган ва «баҳор» соғинчи ичида баҳорга тенглаштирган озодлик кунларини кутган. Шу жиҳатдан Абдулла Орипов ватан шоири бўлгани каби, озодлик ва мустақилик шоири ҳамдир.

Уйғонгучи боғларни кездим,
Топай дедим қирдан изингни.
Яноғингдан ранг олган дедим,
Лолазорга бурдим юзимни.
Учратмадим, аммо ўзингни,
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Узоқлардан залворли тоғлар
Хаёлимни келдилар босиб.
Кечди қанча интизор чоғлар,
Васлинг менга бўлмади насиб.
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам ғариб
— Сен баҳорни соғинмадингми?

А. Орипов баҳорнинг келишига ишонган ва баҳорни озодлик кунларига қиёслаган, қор ва музликлар эришини кутган Сайҳун ва Жайҳун каби оқиб, Ўзбекистон тупроқларини янгидан достонлар диёри ҳолатига эга бўлишига ишонч ва интизорлик билан тўлиб тошади:

Ёз ўтди, куз ўтди, қиш ўтди,
Бошлардан савдоли иш ўтди.
Юракда изғирин — ниш ўтди,
Вафо қилармисан, баҳорим?!

Унинг инграши ва интизорлиги аслида бутун Ўзбекистон диёрининг инграш ва интизорлиги эди:

Интиқмиз дўст билан, ёр билан,
Шеър билан, соз билан, тор билан.
Дийдорлаш бизнингдек хор билан,
Вафо қилармисан, баҳорим?!

Шоирлар, ўзгалар учун яшаган ва бундан ташқари, инсонлар орасида муҳаббатнинг тарқалишида энг буюк хизмат қилган инсонлардир. Шу сабабли, муҳаббатсиз шеър бўлмагани каби, севмаган шоир ҳам бўлмайди. Шундайдирки, Абдулла Орипов Ўзбекистоннинг миллий шоири ўлароқ, ўз илҳомини ишончида, коинотнинг севгисида топди ва буларнинг барчасини бутун халқига, ҳатто бутун инсониятга тарқатган муҳаббат шоиридир.

Тунлари мени ҳам чулғайди хаёл,
Ўзинг ёрлақагин мени ҳам, ё Рабб.
Сенинг васлинг гарчи энг олий висол,
Раҳм этгил ва лекин ҳолимга қараб.
Менинг ҳам тилагим ол инобатга,
Қовуштир орзулар олами билан.
Расуллуллоҳ демиш: киши жаннатга,
Киргайдир севикли одами билан.

Ҳа, Абдулла Орипов муҳаббат ўтида ёнгани каби, қийинчилик ва изтироб оташида ҳам ёнади. Чунки изтироб ва қийинчилик муҳаббатнинг ўзи бўлгани каби, муҳаббат ҳам изтироб ва қийинчиликнинг ўзидир. Бу — олий мақсадларга интилиш ва юксак натижаларга эришишнинг энг унумли, балки ягона йўлидир. Ҳақиқатнинг йўли қийинчилик билан топилади. Унга етишиб камолотга эришилади. Қийинчилик ҳар бир ҳақиқат йўловчисини турли бурчакларда кутиб турган бир мусибатдир. Аммо вафодор йўлдошидир. Ҳаёт унинг билан гўзаллашади ва киши фақат унинг билан яшашнинг завқ ва шуурига эришади. Қийинчиликсиз ҳаёт бир хил, усиз ўтилган йўллар рангсиз ва зерикарли, бу йўлларнинг ғариб йўлчилари ҳам яшашдан безган толеъсизлардир. Шу сабабдан ҳам кўнгиллари билан юксак идеалларга дилбаста ва етарлича қийинчилик, изтироб билан шаклланган руҳлар бутун ҳаётларида ёниб турадилар. Кунлар, ҳафталар, ойлар ўтар. Хазон кўриб хазон мавсумида яшасалар ва хазон куйларни тинглаб турсалар-да, улар ҳеч қачон на ҳолларидан шикоят қилалар, на бировга дардларини суйлайлар.

Олдиларига қўйган ғоялари, мақсадлари йўлида ҳар хил жафо чекадилар, аммо ҳеч қачон мақсадлари йўлида чекинмайдилар.

Шундай экан, Абдулла Орипов муҳаббат куйчиси бўлганидан, изтироб куйчиси бўлиши ҳам ғоят табиийдир. Ватанидан жудо бўлиш ҳижронини бир шеърида:

Мен Ватандан кетмаганман,
Айри тушганман, холос.
Ажрагандек сув кечарда
Бир нафас тандин либос.
Юрт у ёнда, мен бу ёнда,
Ўртада ҳижрон сели,
Анга кўприк ташламакка
Байтларим бўлди асос.
Ўксиб-ўксиб йиғладим мен,
Мисли тил билмас гўдак —

каби мисраларини тилга келтирган шоир «Қирқ ёш» шеърида изтиробларини бошқа бир тил билан таранум этди.

Қирқ ёш ҳам келдию, қўлимдан тутди,
Борман на эртакда, на афсонада.
Қирқ йилнинг нақ ярми йўлларда ўтди,
Ярми эса ўтди беморхонада.
Шу мўъжаз уйимда ёнсин деб чироқ,
Не азиз зотларга ёндошдим гоҳи.
Бирин ака дедим, бирини ўртоқ,
Баъзан ном чиқардим: даврон маддоҳи!
Ким алам чекмаган умрида бир бор —
У мени англамас, англамас асло!
Ким ҳаққа ташнадур, ким меҳрга зор,
Мен унга умримни этгумдир фидо.

Абдулла Орипов ижодида вақти-вақти билан ҳажвий шеърлар ҳам учраб туради. «Робот» ёки «Темир одам» шеърларида, асосан, ҳиссиз, туйғусиз, изтиробсиз инсонларни киноя ва сатира ёрдамида жуда гўзал ва ўринли тасвирлайди.

Абдулла Орипов ўзини санъаткор деб, бошқаларга йўл кўрсатадиган, ўзи эса бу кўрсатмаларга риоя қилмайдиган, ўзини юқори қўядиган ижодкорлардан эмас.

Мукаммал кўрмоқчи бўлдик дунёни,
Етук бўлолмадик ўзимиз бироқ —

деган шоир бўлиб ўтган воқеалар қаршисида «оҳ» чека олишини бир неъмат санайди.

Аламлари, севинчлари, қайғулари, умид ва ишончлари, тушунча, туйғу ва фарзандлари билан муҳташам бир тарихий, қоронғулик ва изғирин бир давр ва янгидан тикланиш жараёнида бахтли келажакни яшаётган, буюк бир миллатнинг шоири бўлган Абдулла Орипов ижодини, албатта, бир неча саҳифада таърифлаб бериш қийин. Асосийси, у ва шеърлари қаршисига парда қўймасдан, шоиримизни ўқувчиларимиз билан юзма-юз қолдириш энг тўғри йўл бўлса керак.

Фатҳулла ГУЛЕН,
Туркия журналистлар ва Ёзувчилар уюшмаси раиси

МЕҲР ЯРАТГАНДАН, ИШҚ ЯРАЛМИШДАН

Руҳият иқлимлари

Тилимизда, аниқроғи, нутқимизда меҳр, муҳаббат, севги, ишқ сўзлари аралаш қўлланилиши, демак, бу илоҳий сўзлар мазмунини билмаймизгина эмас, балки бу илоҳий ҳисларни ўзаро фарқлай олмаймиз ҳам деганидир.

Менинг назаримда, ушбу сўзлар русча таржимаси асосида нутқда қўлланилаётган бўлиб кўринади. Чунки бу сўзларнинг ҳаммаси рус тилида, асосан, бир сўз — «любовь» билан берилади. Бироқ ўзбек тилида улар бир-биридан фақат шакл жиҳатидангина эмас, балки маъно жиҳатидан ҳам кескин фарқ қилади. Хусусан, меҳр сўзи муҳаббат, севги, ишқ сўзларидан бошқача маъно таркибига эгалиги билан ажралиб туради. Изоҳли луғатда «Меҳр — инсоннинг ўз туғишганларига, яқин кишиларига ва умуман одамга бўлган самимий муҳаббати», дейилади. Тўғри, анча юзаки изоҳ. Бироқ шунда ҳам меҳр сўзининг ўзига хослиги кўзга ташланиб турибди. Яратганнинг Ўзининг бандасига бўлган муносабати, яъни бандасини алоҳида эъзозлаши ва тергашини фақатгина «меҳр» сўзи билан ифода этишимиз, бу сўз маъноси илоҳийлашганига далилдир. «Ўзи бандасига меҳрибон ва раҳмлидир». Демак, «меҳр» сўзидан ясалган «меҳрибон» араб тилидаги «Раҳмон» сўзига муқобил бўлмоқда. Меҳр инсон бандасига Яратганнинг алоҳида муносабатини ифода этадики, бу муносабат севги, муҳаббат, ишқ каби илоҳий тушунчалардан бир томонламалиги билан фарқ қилади. Яратган бандасига меҳрибон, аммо бандаси яратгувчисига меҳрибон бўла олмайди, бандаси Яратган Эгасига ишқ қўйиши, муҳаббатли бўлиши мумкин. «Меҳр» сўзидаги бу ўзига хослик инсонлар орасидаги муносабатни ифода этишида ҳам кўриниб қолади.

«Бола меҳри», «ота меҳри», «она меҳри» ибораларимиз ҳаммаси унинг таркибидаги сўзлар маъносидан қатъи назар ота-онанинг фарзандга бўлган муносабатини ифода этади. Қизиқ, «бола меҳри»нинг ҳам, «ота меҳри»нинг ҳам мазмуни бор: ҳар иккиси ҳам отанинг болага бўлган меҳрини ифода этади. Ушбу ҳолат «меҳр»дан ясалган «меҳрибон», «меҳрли», «меҳрсиз» сўзлари, тошмеҳр, меҳрга тўймоқ, (фалончига) меҳри тушмоқ каби ибораларимиз асосида «меҳр» сўзи барча жонлилар орасида фақат инсонга ато қилинган туйғу, ҳис эканлигини фаҳмлаш қийин эмас. Айни пайтда «меҳр» сўзида ифода этилувчи ҳис-туйғу инсонда киши шаклланиши жараёнида вужудга келмай, бандасига туғма иньом этилажак сезги эканлигига ҳам ишорани илғаш мумкин. Меҳр яратганнинг Ўзига хос сифат сифатида кўпчилик бандаларига ҳам хос фазилат тарзида бахш этилади, десак осий бўлмас. Зотан, мен ҳанўз ҳаётда ҳам, ўқиган асарларимда ҳам бирон бир одам боласини тарбиялаб ёки махсус муҳит яратиб, меҳрсиз болани меҳрли, аксинча, меҳрли болани (кишини) меҳрсиз қила олган инсон зоти ҳақида ўқимадим. **Меҳр ишқу муҳаббатдан ҳам, севгидан ҳам бирламчи, улардан ҳам, замонавий қилиб айтсак, интимрокдир. У ишқу муҳаббат, севгидан кўра софрокдир.** Зеро, фақат меҳргина бир томонлама муносабат бўлиб, у жавоб муносабатни, керакли ҳаттиҳаракату ижтимоий-руҳий, жисмоний талабларни қўймайди. Назаримда, меҳр бошланғич кўринишда, руҳан шаклланган ҳолатда жониворларда ҳам учрайдики, бироқ у англанмаслиги фақат ҳис доирасида қолиб кетиши билан инсон меҳридан тубандир. Ҳайвоний меҳр сифат, вақт, намоён бўлиш шакли билан ҳам инсоний меҳрга яқинлаша олмайдики, шунинг учун ҳам уни меҳр дейишдан кўра замонавий атама билан инстинкт дейиш мақбулдир.

Меҳр ҳосил бўлишида онг, тафаккур иштирок этмаслиги унинг бир томонлама бўлишини (яъни мукаммаллигини) таъминлайди. Ростдан ҳам, мени болаларимга меҳрим сабабини суриштирган (қизиғи шуки, ҳеч ким бундай «ғалати» савол беришни ўйламайди ҳам) кишига, албатта, жавоб топа олмасдим. Сабабигина эмас, вақтини ҳам айтиб бера олмасдим, гарчи бу туйғу мен ўзимни нормал фикрловчи инсон деб билган чоғимга тўғри келган бўлса ҳам.

Фарзанднинг ота-онага меҳри масаласи ўзгачароқ кўринади. Аканинг укага, умуман, жигарларнинг бир-бирига меҳри ҳам бошқачароқдир. Агар болага ота-онанинг меҳри деярли 100 фоиз бўлса, боланинг ота-онага меҳри ҳеч қачон шунча бўла олмайдигандай. Ота-онанинг фарзандга меҳри фарзанднинг насл-насаби, ижтимоий мавқеи, унинг ташқи қиёфаси, савияси билан алоқаси йўқ деб айта оламиз-у, бироқ фарзанднинг ота-онага ва жигарларнинг ўзаро (!) меҳрида бундай деб, узил-кесил айта олмаймиз. Умуман, меҳр илоҳий эканлиги халқнинг «болангни меҳрсиз ёки меҳрли қилиб тарбиялабсан» демай, «боланг меҳрли-меҳрсиз бўлибди» деган жумлани қўллашидан ҳам пайқалади.

Демак, меҳр илоҳий бўлиб, Яратганга хос сифат ва у инсонга иньом этилади. Инсоннинг меҳрли бўлиши Ўзига боғлиқ. Ишқ-муҳаббат сузлари эса, қадимда, аниқроғи, мумтоз адабиётимизда, хусусан суфийликда инсоннинг, бандасининг ўз Яратувчисига бўлган алоҳида, самимий муҳаббатини ифода этган. Афсуски, бу сўзлар инсоний муносабатларни ифодалай бошлаши билан «ишқсиз эшак, дардсиз кесак» мақолидаги «ишқ» мазмунан кишилар орасидаги ҳиссий муносабатни ифода эта бошлаган. Аслида, ишқ ва муҳаббат сўзлари орасида «ишқ» кўпроқ Яратганга бўлган миннатдорчилик ҳиссини ҳам қамраб олган тўсиқсиз ва конкрет жавобсиз муҳаббатни ифода этганки, бундай ҳолат эгаси номи ҳам асли «ишқ» билан бир ўзандан ясалган «ошиқ» сўзидир. «Ишқ», бу — ошиқнинг ўз маъшуқасига бўлган ҳиссий муносабати жараёни номидир. Маъшуқ сифатида Яратувчининг Яратган хос бандаларидан бирининг — конкрет шахсни онгли рамзий танланиши (муршид, пир) ҳам «ишқ» сўзининг кишилар ўртасидаги муносабатни акс эттира олиши йўлида хизмат қилганидай кўринади. «Ишқ» ҳис сифатида «меҳр»дан, менимча, бир поғона паст туради, зотан, бу сўз яралмишнинг Яратганга муносабатини акс эттиради. Маъшуқ — Яратганнинг Ўзи ёки ўша Зотга етакловчи муршид. (Буни форс адабиётида «эр», туркчада «эш» ҳам дейиш ҳоллари кенг тарқалган). Меҳр Яратгандан, ишқ Яралмишдан. Меҳр ҳамма, барча Яралмиш бандаларга, ишқ эса хос кишиларнинг Яратувчисига қаратилган ҳиссий ҳолатидир. Меҳр даражаларга бўлинмаслиги табиий, бироқ ишқ даражаси ҳар хил, зеро инсоний барча хусусиятлар даражалидир. Ишқ тўлиқ маънода икки томонлама муносабат бўлмаса-да, барибир, уни бир томонлама муносабат ҳам деб бўлмайди. Диққат қилинг, Яссавий ҳазратлари ёзадилар:

«Хожа қулум демаса, қулман демак не фойда?» Тўғри, бу ўринда «Хожа» яратганнинг Ўзи сифатида ҳам, муршид, пир сифатида ҳам талқин қилиниши мумкин. Демак, киши ўз ҳиссиётуйғусини Яратганга, пирга қаратган экан. У томондан ҳам бунга мойиллик, раҳмат бўлгандагина ишқ тўла бўлади. Ишқда мана шу икки томонлама муносабат томон мойиллик белгиси ишқ сўзи эркак ва аёл ўртасидаги муносабатни ифода этиш учун замин бўлган, яъни дунёвий ишқни ҳам акс эттира олган. Ишқ ва муҳаббат сўзлари маъноси кенгайиб, у инсон жинслари орасидаги туйғу боғланишини ифода этиш доираси тобора унинг илоҳий ишқ устидан ғолиб келишга, ишқ-муҳаббат сўзлари ҳозирда фақат инсоний ҳисларни ифода этишига олиб келган. Бу жараёнга синчковроқ боқсангиз, ҳозирги авлодларда тез-тез учраб турувчи «Севги-муҳаббат ҳақида ёшингиз ўтиб қолганлигига қарамай, ёзишингизни изоҳласангиз» қабилидаги саволларда ишқ-муҳаббат ёш билан боғлиқ бўлмаслиги тушунчаси ётишини илғаб оласиз. Ишқ-муҳаббат заминида бўлмиш меҳр ётади, севги (биз бу сўзни фақат кишилар — эркак-аёл орасидаги туйғу маъносида қўлланиши тарафдоримиз) эса илоҳий ишқ-муҳаббатдан озиқланади. Бу уч даражадаги туйғулар — меҳр, ишқ-муҳаббат, севги, назаримизда, бири иккинчисидан озуқланади-ю, бироқ севгидан ишқ-муҳаббатга, меҳр томон, яъни тескари ҳаракат йўқ. Ўтмиш адабиётимиздаги ошиқлик оралиқ туйғу сифатида бир пайтнинг ўзида Яратганнинг ўзига бўлган ишқи туфайли Ўзининг бандасига бўлган севги мадҳиясидир. Бунда ошиқ бандасини (бошқа жинсдаги) севгани, яхши кўргани туфайли ошиқ эмас, балки Яратганга ошиқ бўлгани учун, унинг ўзига ўхшаган бошқа бир Яралмишни севади: Ошиқлик севгини келтириб чиқаради. Севгининг бошқа турлари деб ҳисобланмиш Ватан севгиси, халқ севгиси ҳам аслида ошиқлик — Яратганга ошиқлик. Ўзига шукур билан боғланади. Киши Ватанни, она халқини, ота юртини англаши, фаҳм, идрок қилиши натижасида суйгани учун, у бошқа жинсдаги кишини чиройи, одоби, бичими туфайли севишига ўхшайди. Шунинг учун ҳам Ватан, халқ муҳаббати эмас, балки севги ҳақида гапирмоқ мақбул кўринади. Аслида севги ишқ-муҳаббатдан фарқ қилган ҳолда бу дунёда эришиш мумкин бўлган ҳодисадир. Одатда эришиш мумкин бўлган нарса ва ҳодисадан безиш ҳам бордир. Шунинг учун ҳам бизнинг ўтмиш адабиётимиз ва оғзаки ижодга доир кўпгина эртак қаҳрамонлари ўзининг табиатан енгилмас, куч-қувватли, тўғри, одил бўлишига қарамай, маъшуқасига етиша олмайди. Тўғрироғи, маҳбубасига ўлим воситасидагина қовушади. Бу мотивда ушбу фоний дунёнинг бевафолиги, адолатсизлигинигина кўрмай, айни пайтда, ҳақиқий ошиқнинг ҳақиқий маъшуқага фақат одиллик, ҳақиқатан ҳукмрон бўлган бошқачда эришиш мумкинлиги ғоясининг ҳам борлигини эсда тутмоқ лозим.

Натижада, кутилмаган бир хулосага келиш мумкин. Ҳамма ижобий туйғу, ҳисларимиз асоси меҳр бўлиб У Ўзидандир. Гўё меҳр парчаланади-ю ундан ишқ-муҳаббат ва севгилар ҳосил бўлади. Бироқ бу жараённинг тескариси — севгидан ишққа, ундан меҳрга томон юксалиш кузатилмайди. Фалсафий-диний хулоса қилсак, меҳр илоҳий, ишқ-муҳаббат ва севги инсонийдир. Албатта, биз ҳамма нарса ва ҳодиса илоҳийлигини ҳисобга оламиз, шунинг билан бирга бу илоҳий ҳодисаларнинг фақат инсонга берилганини ажратиб олиб тушуниш мумкин деб ҳисоблаймиз. Тилимизда ўз имкониятларимиз ва ўзлаштириш ҳисобига бундай нозик фарқланишлар бор экан, улардан ўринли фойдаланиш эса бизнинг оламни, ўзимизни билишимиз йўлида хизмат қилади деган умиддамиз.

Бахтиёр ИСАБЕК

«РАСУЛУЛЛОҲ КОТИБИ»

Театр

Республикамиз ижодкорлари, жумладан, театр санъаткорлари ҳам Аҳмад ал-Фарғоний ва Имом Бухорий таваллудларига бағишланган саҳна асарларини томошабинлар ҳукмига ҳавола қилдилар. Қўқон, Фарғона ва Тошкент театрлари Аҳмад ал-Фарғоний ҳақидаги ажойиб саҳна асарлари билан томошабинларни хушнуд қилган бўлсалар, Абдулҳамид Мажидий номли Каттақўрғон Ўзбек давлат драма театри ижодий жамоаси драматург Муҳаммад Али Эргаш қаламига мансуб «Саодат йўли» номли икки пардали ривоят асосида шу номдаги спектаклни, Самарқанд вилоят Ҳамид Олимжон номидаги драма ва мусиқали театри санъаткорлари тажрибали таржимон ва драматург Усмон Қўчқорнинг «Расululлоҳ котиби» номли олти кўринишли шеърий драмаси асосидаги «Имом-Бухорий» спектаклини тортиқ этдилар.

Усмон Қўчқорнинг асарига ал-Бухорийнинг 863—868 йилларда Нишопурда яшаган, у ерда улуғ ҳадисшунос олимга қарши уюштирилган фитна ва бўҳтонлардан сўнг ўз она юрти Бухорога қайтиш даври асос қилиб олинган.

863—868 йиллар ҳадисшунос олимнинг ҳаётидаги зиддиятларга доир давр бўлиб, бир гуруҳ нишопурлик олимларнинг Имом Бухорийга қарши уюштирган фитна ва бўҳтонлари авжига чиққанди. Айнан Имом Бухорийни ларзага солган, ғанимлар томонидан отилган бўҳтон тошларининг залворидан руҳий азоб чеккан ва ниҳоят ўз шогирдлари билан киндик қони тўкилган она замин — Бухорога қайтишга мажбур бўлган воқеалар асар ўзагини ташкил қилади.

Бир томонда Имом Бухорийнинг илми, одоби, самимийлиги ва саховатпешалиги, одамохунлиги ва ҳақгўйлигига қойил қолган, унинг асарларидан инсонларга меҳр-муҳаббат, ота-она ва катталарга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, ҳалоллик, поклик, она юртга муҳаббат каби инсоний фазилатларни ўрганиб, сабоқ олган оддий фуқаролар ҳамда унинг ҳадис илмининг сардори эканига тан берувчи ҳақиқий олимлар, иккинчи томонда эса «келгинди» олимга ҳурмат ва эҳтиромдан ҳаловатлари бузилган бир гуруҳ ҳадисшунос олимлар. Бу қора гуруҳ фитначиларнинг раҳнамоси нишопурлик олим, муҳаддис Муҳаммад ибн Яҳё аз-Зуҳалий.

Усмон Қўчқорнинг «Расululлоҳ котиби» шеърий драмаси Муҳаммад ибн аз-Зуҳалийнинг ўз шогирдлари Абу Мискин ва Асрор Қозийлар билан суҳбатидан бошланади. Улар Имом Бухорийга Нишопур халқи томонидан кўрсатилган ҳурматдан ташвишдалар. Спектакл ижодкорлари — саҳналаштирувчи режиссёр Бурҳон Исломов, режиссёр Алижон Исоқов ва маслаҳатчи — Ўзбекистон халқ артисти, Колумбия университетининг академиги Баҳодир Йўлдошев асардаги барча воқеалар манзилини табиат қўйнига — шох-шаббалар билан тўла чакалакзорга кўчирадилар. Нишопурдаги Хонақоҳ, бухороликлар ҳовлисида ўтадиган мунозаралар, Амир саройи, Бухородаги Жомеъ масжидининг сабоқхонаси ва бошқа манзилларда содир бўладиган тўқнашувлару курашлар, ҳамма-ҳаммаси шу чакалакзорга жамланади. Умуман, шартлилик, фалсафий умумлашмаларга бой поэтик театр Баҳодир Йўлдошев эстетикасининг асосини ташкил этади.

Фикримизча, режиссёрларнинг бундай қарорга келишларининг асосий сабабларидан бири асар ҳажмини ихчамлаштириш, спектаклда воқеалар узвийлигини мантиқий жиҳатдан таъминлаш, саҳна асари темпоритмини бўшаштирмасдан, унга динамик куч бағишлаш, спектакл яратилишига даҳлдор барча кучлар бирлигини таъминлаб, яхлит асар яратиш бўлган. Айтиш мумкинки, спектаклдаги айрим эътирозларга молик қисқартиришлар, актёрлар ижросидаги мунозарали талқинларга қарамасдан, театр жамоаси кўзланган мақсадга эришганлар.

Спектаклнинг бошланишидаги Имом Бухорийнинг (артист Бахтиёр Раҳимов) Зуҳалий (артист Баҳром Раҳимов) ва унинг шогирдлари билан учрашув саҳнаси режиссёрлар талқинига нисбатан Усмон Қўчқор асарида бирмунча пухта, асосли ва ишонарли берилган. Имом Бухорийни синаш, саволлар билан уни мот қилиб, обрўсизлантириш мақсадида келган Зуҳалий гуруҳининг саҳнадаги ҳатти-ҳаракатлари сунъийроқ, саҳна ҳақиқати ва мантиқ етишмайди. Илоҳий кучга эга бўлган (имомнинг бундай кучга эга эканлиги Бухоро амири Зуҳалий вазирлари билан учрашув саҳнасида зўр маҳорат билан, амир одамларини ҳайратга соладиган даражада ишонарли кўрсатилади) Имом Бухорий ҳазратларидан уч-тўрт қадам нарида туриб, у улуғ зот шаънига туҳмат ва бўҳтонлар тўқилиши саҳна ҳақиқати мезонига тўғри келмайди.

Бундан ташқари, ўчоқ бошида чўққайиб ўтирган ғариб ва ночор Имом Бухорийнинг ҳолати ҳам режиссёрлар ва актёр томонидан образнинг айни талқинига бироз бошқачароқ ёндошишни тақозо қилади, муҳокама пайтида профессор Т. Турсунов айтганидек, Имом Бухорий тақводор одам бўлган. Актёр Бахтиёр Раҳимов ижросида фикр ва мантиққа қараганда ваъзхонлик босимроқ кўринади.

Энди Муслим ибн ал-Ҳажжож образи талқинига келсак. Ҳажжож ўзига тўқ бадавлат киши бўлган. Ҳаёти давомида ҳадислар ўрганиш ва тўплаш мақсадида Ироқ, Сурия ва Миср мамлакатларини кезган. Тарихий манбаларда айтилишича, Ҳажжож қадди-қомати мукаммал, юзи нурли, кийган кийими ўзига ярашган шахс. Актёр Ўктам Қорабоев талқинида бу образга хос бўлган бундай фазилатлар тўла-тўкис очилади. Лекин айрим саҳналарда ижрочи ўринсиз, ортиқча эҳтиросларга берилиб кетаётгандек кўринади. Одатда ўта босиқ, ҳадис ва фиқҳ илмларида энг юқори даражага етишган олимнинг эҳтирос тизгинларини қўлдан чиқариб юбориши мантиққа тўғри келмаса керак, деб ўйлайман.

Спектаклда бош қароқчини ижро этган артист Тошпўлат Очилтошевнинг талқини ҳам мунозарали. Усмон Қўчқор асарида бош қароқчи образи анча мураккаб. У «хат чиқарган, савод олган, мадраса кўрган». «Фиқҳу ҳадис илмини ҳам ўрганган». Бухоро амири Зуҳалийнинг адолатсизлиги туфайли зиндонбанд қилинган. Сўнг зиндондан қочиб, золимларга қарши курашган, Омад ундан юз ўгириб, енгилгач, бир гуруҳ сафдошлари билан саҳрода қароқчилик қила бошлаган. «Имом Бухорий» спектаклидаги қароқчибоши қўпол, дағал, бесўнақай, латтафаҳм — унинг ҳаракатларидан мадраса кўрган, ҳадис илмини ўрганган одамнинг ҳиди ҳам келмайди. Демак, пьесадаги қароқчибоши образи билан спектаклда актёр Тошпўлат Очилтошев яратган образ орасида катта фарқ бор.

Спектаклда қароқчилар Ҳажжожни тутқинга олишади (асарда эса савдогарларни). Имом Бухорийни таниб қолган бош қароқчи — ундан узр сўраб Ҳажжожни тутқундан бўшатади. Имом Бухорий қароқчибошига мен сенга намоз ўқишни ўргатаман деб, уни ҳам намоз ўқишга ундайди. Намоз пайтидаги бош қароқчининг ножўя, кулгига сабаб бўладиган хатти-ҳаракатлари ҳам ортиқчадек кўринади.

Спектакл адресига билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазалар яхши ниятда, фақатгина бу саҳна асарининг янада пухта, бадиий баркамол бўлиши йўлида билдирилган дил сўзлари, «Имом Бухорий» спектакли мукаммал саҳна асари даражасини, Самарқанд театри репертуаридан муҳим ўрин олишини орзу қилиб айтилган мулоҳазалар.

Тешабой БАЯНДИЕВ

КОФЕНИНГ КАРОМАТИ

Луқма

Азиз муштарийлар!

Бу гал «Топган-топалоқ» баҳсимиз иштирокчилари дам оладиган бўлишди. Бунинг сабаби, газетамизнинг шу йил 13 ноябр сонида эълон қилинган навбатдаги топшириқ телевидениемизнинг баъзи ходимларига оғир ботиб кетибди. Мана, ўша топшириқ, ўқимаганлар ўқиб, гап нимада эканлигини билиб олишлари учун, уни тўла қайтарамиз:

«Ўзбекистон телевидениесининг тонгги «Ассалом Ўзбекистон» кўрсатувида кофе ичимлигининг жуда ажойиб, ўзига хос рекламасини тингладик. Битта оилада Ҳасан ва Ҳусан бор экан. Ҳасан ҳамиша кофе истеъмол қилар экан. Ҳусан бўлса чой ичишни хуш кўрар экан. Иттифоқо, Ҳасан 89 йил, Ҳусан 72 йил умр кўришибди. Бир деҳқон томорқасидаги помидорнинг бир жўягини... кофе билан суғорар экан. Иккинчи жўякка ўзимизнинг оддий, яъни Чирчиқ дарёсининг сувидан тараркан. Ҳосил етилгач, қараса, кофе ичиб етилган помидорлар нақд тарвуздай, бунинг устига икки-уч ой сақласа, бемалол турaверадиган бўлиб етишибди. Оддий сувда пишган иккинчи жўяк ҳосили эса оддийгина, нимжону нимширин эмиш. Мана сизга, кофенинг каромати.

Келинг, шу рекламани давом эттирайлик. Битта оилага бир кунда иккита келин тушибди. Биринчи келин эртаю кеч кофе ичар экан, тонгда юзини ҳам кофеда ювар экан. Ошга, шўрвага, айниқса, куёв бола гоҳо «қиттай-қиттай» қилиб келганида эрталабки маставага ҳам албатта кофе қўшаркан. Иккинчи келин бўлса, чойми, сувми, қараб ўтирмай ичиб кетаверар экан. Йиллар ўтиб...

Хўш, йиллар ўтиб нима бўлибди?

Рекламанинг энг яхши давомчиларига махсус совринларимиз бор.

Бор гап шу. Оддий бир лутф. Ҳамиятга тегадиган, ҳақоратомуз сўзлар йўқ. Биринчи бўлиб таҳририятга телевидение рабҳарларидан бири зукко журналист Иброҳим Норматов қўнғироқ қилди. У киши «Бунақа нарса чиқмаган, бўлмаган гап, газета ёлғонни ёзибди, дейишяпти ходимлар. Ўзингиз шахсан кўрдингизми? Қачон бўлувди? Бошловчиси ким эди? деб қолдилар. Тушунтирдик. Шахсан кўрганимизни айтдик. ТВ раҳбарлари билан шундан кейинги мулоқотлардан бирида бағоят самимий равишда, газеталарнинг айрим танқидий чиқишлари телевидение фаолиятини янада яхшилашга, мавжуд камчиликларни бартараф этишга ёрдам бераётгани эътироф этилди. Биз ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга, етакчи таҳририятларнинг раҳбарлари билан суҳбатлар ўтказишга келишиб олдик. Бундай суҳбатларни тайёрлаш учун ижодий ходимларга топшириқлар берилди...

Бир пайт, телефонимиз жиринглаб қолди. Гўшакни кўтардик. Ёш тележурналист, ҳозирда «Ассалом Ўзбекистон» дастурининг раҳбари Тўлқин Ҳайит. Салом-аликдан сўнг ёш биродаримиз бирданига масалани жиддий қўйиб «Шунақа ниятларинг бор экан, бир оғиз олдимдан ўтсангизлар бўлмасмиди?» деб қолди. «Хўб, биродар, бундан кейин доимо олдингиздан ўтиб бир иш қиламиз», дедик-да гапни қисқаладик.

Шу билан кофе машмашаси тугади, деб ўйлагандик. Йўқ, тугамаган экан. Ўтган шанба кунги тонгги дастурда азаматлар роса боплаб таъзиримизни беришди. Кофе рекламасини танқид қилиб калтабинлик қилибмиз экан...

Матбуот олдига жуда катта талаблар қўйилиб турган бир пайтда, юқорида ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, оддий бир камчилик эътирофи учун шунча маломатларга қоладиган бўлсак, бир нима дейиш учун кимнингдир олдидан ўтиб иш қиладиган бўлсак, бу ҳолда матбуотнинг ҳоли не кечади?

Узбекистон телевидениеси бугун ўзгаришлар, изланишлар палласида. Ютуқлари кўп. Сўнгги пайтларда биз «зангори экран» орқали тележурналистиканинг жуда катта имкониятлари мавжудлигини, ҳамкасбларимиз миллат ва истиқлол олдидаги вазифаларни бажаришга астойдил бел боғлаганларини кўриб қувониб турибмиз. Бу ҳақда мақолалар, тақризлар эълон қилаяпмиз. Аммо иш бор жойда камчилик ҳам бўладида. Кимда йўқ дейсиз, бу камчилик қургур. Бизда йўқми? Бошқа газеталарда йўқми? Бор. Гап самимий танқидни самимий қабул қилишда. «Ассалом Ўзбекистон» дастури ёш раҳбариятининг пашшадан фил ясашга уриниши эса, ҳурмат билан айтганда, болаларча енгилтаклиқдир.

Таҳририят

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги

ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ УСЛУБИЯТ МАРКАЗИ

1998 йил 11—13 декабр кунлари Тошкент шаҳрида

«АЛЛА» ИЖРОЧИЛАРИНИНГ IV-АНЪАНАВИЙ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ

ўтказади.

Танлов 11 декабр куни эрталаб соат 10 да Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театрида бошланади.

ҒОЛИБЛАРНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КОНЦЕРТИ

13 декабр куни соат 17 да шу театрда бўлиб ўтади.

Дунё бешигини тебратган оналаримиз аллаларини тинглашга таклиф этамиз, муҳтарам юртдошлар!

Ташкилий қўмита

ОБУНА-99

«МУШТУМ» ва «АФАНДИ» — СИЗНИНГ ҲАМРОҲИНГИЗ!

Қадрли кулги ва латифа ишқибозлари!

Агар хонадонингизга республикамизнинг ягона ҳажв журнали «Муштум» ҳар ойда, ягона латифалар газетаси «Афанди» — ҳар ҳафта қаҳқаҳа билан кириб келишини истасангиз, кечиктирмай ушбу нашрларга обуна бўлинг!

«Муштум» нашр индекси: якка тартибда — 842, ташкилотлар учун — 843.

«Афанди» газетаси нашр индекси — 590.

МАЛАЙДУРСАН...

(Иғвогарлар ўқимасин)

Алайҳил — лаъна иблиса садоқатли малайдурсан,
Қаён яхши одам борки, ғўрига ғишт қалайдурсан.

Тўқиб навбатдаги қурбон учун турли маломатлар,
Улар ҳолатга етгач ул, дегайсан: «Хўш, қалайдурсан?!»

Кўринса бир аёл хушрўй, йўтал тутгай сени бирдан,
Бароқ қош остидан қийғир кўзинг-ла пармалайдурсан.

Бале, фисқу фасод «илми» аро сенга тараф йўқдир.
Жамъи расво ҳунарни сен билурсан, уддалайдурсан!

Агар афтинг эса қийшиқ — на чора, ойнада не айб,
Нечун аҳли замондан, ҳам замондан ўпкалайдурсан?

Неча бошга бало бўлдинг, балои тимқаро бўлдинг,
Тузалмас, бир яро бўлдинг, қишу ёз маддалайдурсан,

Одамсан, зоҳиран, лек бенасибсан одамийликдан,
Яъниким шунчаки махлуқ эрурсан, ўрмалайдурсан...

Турғун ТУРСУНБОЕВ

ЖОЗИБ АРМУҒОН

Доимий ҳамроҳ

Ватан ва халқ ишига камарбасталик, оқибату меҳр-муҳаббатга чорлов, юксак инсоний фазилатларга даъват, панд-насиҳат азал-азалдан ўзбек шеъриятининг етакчи тамойиллари ҳисобланиб келинган. Қўлига эзгу ният билан қалам олган инсон борки, у энг аввал эл-юрт кори хайрига ярайдиган, умум манфаатига ҳисса бўлиб қўшилишга арзийдиган сўз бошини ушлайди. Шундандирки, ўзбек адабиёти, минг йиллик шеъриятимиз бошқа халқлар, мамлакатлар адабиётлари орасида ўзининг халқчиллиги билан алоҳида ажралиб туради. Камтарин ижодкор Ҳожи Сиддиқхўжа Шошийнинг «Назмий армуғон» тўпламидаги шеърларни ўқиб бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Ҳожи Сиддиқхўжа Шоший 1937 йили Тошкентда таваллуд топган. Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факултетида таҳсил олган. Мана, қарийб қирқ йил мобайнида республика матбуотида ўзининг шеърий машқлари билан қатнашиб келади. Шоир ўз ижодини саралаб, талабчан назм мухлислари дидини эътиборда тутиб, машқларидан жозиб бир гулдаста тартиб берибди. Унинг бу шеърий гулдастаси яқинда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида «Назмий армуғон» номи билан уч минг нусхада чоп этилди.

Мажмуадан жой олган шеърлар, ғазалларда шоир онага, она-диёрга, Ватанга бўлган чексиз муҳаббатини, дўст-ёрлар, фарзандларга қайноқ меҳр ва садоқатини жўшиб куйлайди:

Нигоҳлар интизор,
кутдик эзгулик,
Юртимда бир силжиш
бўлди сезгулик,
Уватда дур қайнар ипга
тизгулик,
Бу қутлуғ онларни,
албат, ёзгулик,
Нозик паллаларда
қудрат бизга ёр.

Ҳожи Сиддиқхўжа Шоший шеърларида Онани зиёга, нурга қиёслайди, бу табаррук зотнинг меҳру муҳаббатини Қуёшга менгзайди. Дўст орттиришга даъват этаркан, шоир алоҳида уқтириб, «унинг тилаги, фикри, юраги пок бўлишини» таъкидлайди.

«Назмий армуғон»даги машқларнинг дёярли ярмини муаллиф кичкинтойларга бағишлаган. Содда, самимий бу шеърлар болаларда эзгуликка ҳавас, табиат гўзалликларига ошуфталик, иноқлик, катталарга ҳурмат туйғусини тарбиялашга қаратилгани билан эътиборлидир.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SANATI

1998 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 133-52-91

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00. Босишга топширилди 20.30.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0491. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6